БИР БЎЛСАК — ЯГОНА ХАЛҚМИЗ, БИРЛАШСАК — ВАТАНМИЗ!

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 147 (1208), 2024 йил 24 июль, чоршанба

www.yuz.uz  yuz.uznews  yuz_official  yuz.uz_news  yuz

## “ҲОЗИРГИ ЗАМОН ВА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН”

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган янги китоби шундай деб номланади*




Янги китоб

**Президент Шавкат Мирзиёев серқирра фаолиятининг маъно-мазмунига айланган, кейинги етти йил давомида мамлакатимизда олиб борилаётган барча ислоҳотларнинг марказида бўлиб келаётган миллий мустақиллигимизни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, одамларни ҳаётдан рози қилиш, инсон қадрини улуғлаш каби эзгу тушунчалар мазкур китобнинг бош ғояси, асосий лейтмотивини ташкил этади.**

Ўзбекистоннинг бугунги янги қиёфаси, мамлакатимизнинг жаҳон тараққиётида тутган ўрни ва мавқеи, муҳим халқаро ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштироки, долзарб масалалар бўйича илгари сураётган кўплаб ташаббусларининг мазмун-моҳияти ушбу кенг қамровли, фундаментал асарда чуқур таҳлил ва далиллар, аниқ фикр-мулоҳазалар асосида теран ёритиб берилган.

Муаллифнинг кўп йиллик ижтимоий-сиёсий қарашлари, воқеликка янгича ва теран ёндашувларининг маҳсули бўлган китоб қуйидаги сўзлар билан бошланади:

**“Тарих синовларидан ўтган ҳақиқат шуки, ўзини ўзгартиришга қодир бўлган, вақтни — имкониятга, имкониятни ютуққа, ютуқни тараққиёт пойдеворига айлантира олган халқ — буюк халқдир.**

**Бундай халқ, ҳеч шубҳасиз, ҳаётни ҳам, ижтимоий муҳитни ҳам ўзгартира олади, кўзлаган мурод-мақсадларига албатта эришади.**

**Мен ана шундай улуғ эътиқод билан яшаётган халққа раҳбар бўлиб, одамларни ҳаётдан рози қилиш, уларнинг қалбидаги эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқариш йўлида хизмат қилишни ўзим учун улкан шараф ва масъулият деб биламан”.**

Дарҳақиқат, Президент Шавкат Мирзиёев серқирра фаолиятининг маъно-мазмунига айланган, кейинги етти йил давомида мамлакатимизда олиб борилаётган барча ислоҳотларнинг марказида бўлиб келаётган миллий мустақиллигимизни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, одамларни ҳаётдан рози қилиш, инсон қадрини улуғлаш каби эзгу тушунчалар мазкур китобнинг бош ғояси, асосий лейтмотивини ташкил этади.

Ҳеч шубҳасиз, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган, Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегиясининг туб мақсади ва негизида мужассам бўлган ғоя ва интилишлар бугунги кунда мард ва олижаноб халқимизнинг фидокорона меҳнати, ақл-заковати билан реал воқеликка айланиб бормоқда. Китобни мутолаа қилиш жараёнида бу ҳақиқатни янада чуқур ҳис этамиз ва мана шундай тарихий ўзгаришлар даврида бу улуғвор ўзгаришларнинг нафақат гувоҳи, балки фаол иштирокчиси бўлиб яшаётганимиздан албатта фахрланамиз.

Жами 6 бобдан иборат китобнинг **“Инсоният танлаган барқарор ривожланиш йўли”** деб номланган дастлабки бобида муаллиф ўқувчи эътиборини ҳозирги замондаги асосий хавф-хатарларга қаратади. Бу таҳдидларни келтириб чиқарган омилларни атрофлича таҳлил этиб, уларни бартараф қилиш бўйича аниқ амалий ечимларни таклиф этади.

Асарнинг **“Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат”** деб номланган иккинчи боби мамлакатимизда ижтимоий соҳада амалга оширилаётган улкан ишлар ва уларнинг натижалари таҳлилига бағишланган. **Муаллиф таълим, тарбия, илм-фан ва маданият, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, хусусан, камбағалликка қарши курашиш, соғлиқни сақлаш ва спорт** масалалари бугунги кунда Ўзбекистонда инсон қадрини юксалтириш, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳаётий манфаатларини таъминлашга қаратилган муҳим ислоҳотларнинг ажралмас бир қисмига айланиб, аниқ самара бераётганини ҳаётий мисоллар орқали кўрсатиб беради.

*Давоми 2-бетда*

## ДУНЁ НИЗОМИДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ!

**Айнан мустақиллик туфайли мамлакатимиз суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатга, халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъектига айланди. Дунё бизни янгитдан таниди ва тан олди. Ер юзидаги турли давлатлар ва халқлар билан дўстлик ҳамда ҳамкорлик алоқаларимиз тобора кенгайиб, юртимизнинг халқаро майдондаги мавқеи ва нуфузи ортиб бормоқда.**

**Президентимиз Шавкат МИРЗИЁЕВнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қароридан.**



### АҚЛ ВА САОДАТ ЙЎЛИ

Дунё ишларининг “тиши ўткир” бўлади. Сал енгил келсангиз, бефарқ ва ҳафсаласиз бўлсангиз, уваланиб кетиш ҳеч гап эмас. Аммо инсоният тақдири шу — доим таҳлика ичида яшаш, курашлар ичра бўлиш. Унинг якуни — қисмат. Шу боис, оламда турфа тақдир эгалари яшайди, улар жамланиб, элнинг, мамлакат ва миллий давлатчиликларнинг умумий манзарасини ҳосил қилади.

Инсоният тарихи ҳеч қачон бир маромда тўкис кечмаган, таҳликаларга тўла бўлган. Яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш эса авлодларни ўйга толдириб келади. Шунинг учун ҳам тарих ҳеч қачон зерикарли кўринмайди.

Яна бир мулоҳаза бор. Бу — ақл ва саодат йўлидаги тафаккур ҳодисаси.

Бетоб кишига ширин таом ҳам нордон сезилиши мумкин. Аммо ақл бу таом аслида ширинлиги, касаллик туфайли нордон туюлаётгани ҳақида ахборот бериб туради. Шундай экан, табиий савол туғилади: ақл ёрдамида оқу қорани ажратиб олиб, саодатга эришиш мумкин экан-да?

Аммо дунё ҳақиқати ҳар доим бундай бўлмаганини кўрсатади. Атрофимизда бўлаётган урушларга, низоларга, бегуноҳ одамлар қурбон бўлаётганига назар солсак, ҳамма ақлини ишга солиб, шу қонли йўлга кираётганини, ҳамма ўзиникини тўғри деб даъво қилаётганига гувоҳ бўламиз. Бугун инсоният илғаётган катта таҳликанинг асл сабаблари шунда. Билганига амал қилмаслик эса энг оғир хато!

Булардан англашиладики, XXI асрга келиб, инсоният ниҳоятда мураккаб яшаш тарзига ўтиб бормоқда. Дунё низоми тубдан ўзгаряпти. Сунъий идрок қуршовида қоляпмиз. Шундай шароитда мамлакатлар ўз зиммасига қандай вазифаларни олиши керак, деган савол барчамизни безовта қилиши табиий, албатта.

Бугун жамиятда инсон қадрини юксалтириш, хавфсизлигини таъминлаш, ҳар бир киши туғилиши билан эга бўладиган табиий ҳуқуқларига асосан, уларга муносиб турмуш шароитини яратиш энг муҳим, ҳаёт-мамот масаласи бўлиб қолди.

### БУЮК ИШОНЧ — МИЛЛИЙ ҲОДИСА

Нега айрим мамлакатлар халқи фаровон яшайди? Баъзи мамлакатларда эса фаровонлик йўли танланмайди? Бу ҳам ақл билан боғлиқ ўз ғоясини тўғри деб билувчи танлов йўлидир.

Давлат сиёсатида танланган йўл самараси одамлар ҳаётида акс этиши аён ҳақиқат. Шу боис, миллий давлатчилик амалиётида муҳим воситалар бўлиши тараққиёт кафолати сифатида қаралади.

*Давоми 3-бетда*

Муҳаммад АБУНАЙЯН:

## “ЎЗБЕКИСТОНДА “ACWA POWER” ЛОЙИҲАЛАРИ ПОРТФЕЛИ ТОБОРА КЕНГАЯЁТГАНИ МАМЛАКАТ РАҲБАРИЯТИНИНГ УЗОҚНИ КЎЗЛАБ ОЛИБ БОРАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРИНИ ЯҚҚОЛ АКС ЭТТИРАДИ”

*Ўзбекистон — Саудия Ишбилармонлар кенгаши ҳамраиси, “ACWA Power” компанияси асосчиси ва бошқаруви раиси Муҳаммад Абунайян “Дунё” ахборот агентлиги мухбирига интервью берди.*

**— Абунайян жаноблари, аввало, янги энергетика соҳасининг нуфузли вакили сифатида ушбу тармоқдаги мавжуд тенденцияларни қандай кўраётганингизни ва бу борада Ўзбекистон билан ҳамкорликда қандай истиқболларни очиш мумкинлиги ҳақидаги фикрларингизни билмоқчи эдик?**

— Бугунги кунда энергетика соҳасида барқарор ривожланиш ва декарбонизацияга бўлган глобал интилиш туфайли сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда. Асосий тенденциялар қайта тикланадиган ва кам углеродли энергия манбаларига ўтишни ўз ичига олади. Мамлакатларимиз ҳукуматлари ўртасидаги мустаҳкам икки томонлама алоқалар туфайли Ўзбекистон “ACWA Power” компаниясининг энг тез ривожланаётган портфелларидан бири сифатида ажралиб туради ва Саудия Арабистонидан кейинги энг йирик бозоримиз ҳисобланади.

Мамлакатингизда Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари ташаббуси билан амалга оширилган энергетика соҳасини декарбонизация қилиш бўйича қайта тикланадиган ва кам углеродли лойиҳалар фаол ривожлантирилмоқда. Ҳукуматнинг аниқ стратегияси ва “яшил” энергияга ўтиш ислоҳотларини, жумладан, “яшил” водородни қўллаб-қувватлаш бўйича ислоҳотлар хорижий инвестициялар учун қулай муҳит яратмоқда.

*Давоми 2-бетда*

Ислоҳотлар самараси

## ЎЗБЕКИСТОН ТЕКСТИЛЬ СОҲАСИДА ГИГАНТ ИҚТИСОДИЁТГА АЙЛАНМОҚДА





**Мамлакатимизда инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва унга тўлиқ барҳам беришга доир комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Фуқаролар, айниқса, болалар мажбурий меҳнатидан фойдаланиш, уларни пахта териш ёки бошқа қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилишнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича давлатимизнинг қатъий сиёсий иродаси ва тизимли ислоҳотлар натижасида Ўзбекистонда мажбурий меҳнат тўлиқ барҳам топди. Ўз ўрнида унинг ташкилий, ҳуқуқий асослари ҳам мустаҳкамланди.**

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 44-моддасидан “**Болалар меҳнатининг боланинг соғлиғига, хавфсизлигига, ахлоқига, ақлий ва жисмоний ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан, унинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай шакллари тақиқланади”** деган норма жой олди.

Конституциямизга илк маротаба киритилган мазкур норма мамлакатимизда ушбу соҳада эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, болаларни меҳнатнинг оғир шаклларидан ҳимоя қилиш, соғлом ва баркамол вояга етиши учун муҳим ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилади.

Мажбурий меҳнат бирор-бир жисмоний шахсдан жазони қўллаш таҳдиди остида талаб этиладиган, бажарилиши учун ушбу шахс ихтиёрий равишда ўз хизматларини таклиф қилмаган ҳар қандай иш ёки хизматни англатади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 5-моддасига асосан, мажбурий меҳнат тақиқланади.

Мамлакатимизда мажбурий меҳнатга жалб қилганлик учун жазо чоралари ҳам кучайтирилди. Мисол учун, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51-моддасига мувофиқ, мажбурий меҳнатга йўл қўйган мансабдор шахслар базавий ҳисоблаш миқдорининг (БҲМ) 50 бароваридан 100 бароваригача (17 миллион сўмдан 34 миллион сўмгача) миқдорда жаримага тортилади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик таълим ташкилотининг педагог ходимига нисбатан содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бароваридан бир юз эллик бароваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган.

*Давоми 4-бетда*

**“Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон” китобида мамлакатимизнинг бугунги тараққиёт суръатлари, унинг жаҳон майдонидаги тобора ортиб бораётган обрў-эътибори ва нуфузи, олис ва яқин истиқболга мўлжалланган мақсад ва вазифалари қандай мустаҳкам пойдеворга асосланиши, қандай омиллар ҳисобидан таъминланаётгани ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинган.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz  yuz.uznews  yuz_official  yuz.uz_news  yuz

# “ҲОЗИРГИ ЗАМОН ВА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН”

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган янги китоби шундай деб номланади***

Бошланиши 1-бетда

**“Менинг энг катта ниятим — мамлакатимизда камбағаллик ва ишсизликка бутунлай барҳам беришдир,** — деб ёзади Президентимиз. — **Шундай кунлар келишига ишончим комил ва бунинг учун бор куч ва имкониятларимни, борлиғимни бағишлашга тайёрман”.**

Албатта, тарихан қисқа муддатда мамлакатимизда изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодий ривожланишга эришиш асосида халқимизнинг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилди. Айниқса, солиқ, банк-молия тизимидаги янгиланишлар, жумладан, валюта бозорининг эркинлаштирилгани, нақд пул билан боғлиқ муаммоларнинг бартараф этилгани, халқаро молия операцияларининг жаҳон андозалари асосида амалга оширилаётгани, янги-янги инновацион, юқори технологик корхоналар барпо этилаётгани, замонавий коммуникация тизимлари, рақамли технологиялар ҳаётимизга жадал кириб келаётгани, тадбиркорлик учун кенг йўл очилаётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Асарнинг **“Янги Ўзбекистон: барқарор иқтисодий тараққиёт”** номли учинчи бобида айнан шу йўналишдаги ислоҳотларга алоҳида урғу берилиб, бу борада эришилган натижалар сарҳисоб қилинади, яқин истиқболда қандай иқтисодий режа ва стратегик мақсадлар олдимизда тургани, уларни амалга ошириш учун нималар қилиш зарурлигига эътибор қаратилади. Бу масалалар **“Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш”, “Тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш”, “Саноатни жадал ривожлантириш истиқболлари”, “Янги Ўзбекистон — рақамли иқтисодиёт сари”, “Аграр соҳани ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш”, “Янги Ўзбекистон: барқарор ва яшовчан туризм”, “Яшил энергетика” — барқарор тараққиёт гарови”, “Кучли ҳудудлар — кучли Ўзбекистон демакдир”** каби мавзулар орқали атрофлича очиб берилади.

Халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида Янги Ўзбекистон меъмори сифатида эътироф этилаётган Президентимизнинг ушбу китобидаги **“Сайёрамиз ва Янги Ўзбекистон экологик таҳдидлар қаршисида”** деб номланган тўртинчи боб ҳам диққатга сазовордир. Муаллиф унда **“ҳозирги даврда жаҳон миқёсида учта инқироз, яъни иқлим ўзгариши, биохилма-хилликнинг қисқариши ва атроф-муҳит ифлосланиши, табиий ресурсларнинг камайиши шиддат билан давом этаётгани”** ҳақида жиддий ташвиш ва ҳаяжон билан фикр юритади, жаҳон ҳамжамиятини ушбу таҳдидларга қарши биргаликда курашишга даъват этади.

Масалан, сув муаммоси Ўзбекистон олдида турган энг долзарб масалалардан биридир. Шавкат Мирзиёев бу борада мавжуд вазиятни тубдан ислоҳ қилиш, Яратганнинг бебаҳо неъмати бўлган сув ресурсларини тежаш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича илмий асосланган, тизимли чора-тадбирларни шу соҳани яқиндан биладиган етук мутахассис сифатида бирма-бир қайд этиб, трансчегаравий дарёлар сувидан халқаро қонунчилик асосида фойдаланиш, бу борада қўшни давлатлар билан ҳамкорлик масаласига алоҳида тўхталиб ўтади.

Мазкур бобдан ўрин олган **“Орол фожиаси — умумбашарий фожиа”, “Мақсадимиз — аҳолининг қулай экологик муҳитда яшаш ҳуқуқини таъминлаш”, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси — экологик вазиятни барқарорлаштириш гарови”, “Иқлим муаммолари — барқарор ривожланиш йўлидаги энг катта таҳдид”** сингари мавзулар таҳлил қилинган муҳим фикр ва мулоҳазалар соғлом фикрли ҳеч бир инсонни бефарқ қолдирмайди.

Маълумки, Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида иш бошлаган илк кунлардан бошлаб **“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, “Халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади”,** деган олижаноб ғоя ва мақсадларни илгари суриб, Ўзбекистондаги катта-кичик барча раҳбарлардан ўз фаолиятини айнан шу мезонлар асосида олиб боришни талаб этди. Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда юз берган туб ўзгариш ва янгиланишлар, юртдошларимиз ҳаётидаги ижобий натижалар ана шундай халқпарвар сиёсат самарасидир.

Асарнинг **“Халқ хизматидаги давлат — эл-юрт учун улуғ саодат”** деб номланган яна бир муҳим бобида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, давлат идоралари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти, коррупцияга қарши курашиш масалалари ҳақида атрофлича сўз юритилади.

Барчамизга аёнки, Ўзбекистон Республикасининг янгиланган Конституциясида мамлакатимизнинг тинчликсеварлик ва тараққийпарварликка асосланган ташқи сиёсати қуйидаги энг муҳим тамойиллар билан мустаҳкамлаб қўйилган:

**“Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг бузилмаслиги, давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа принцип ва нормаларига асосланади”.**

Ушбу конституциявий норма Янги Ўзбекистон сиёсатида ўзининг тўлиқ амалий ифодасини топмоқда. Бугунги кунда республикамиз дунёга кенг очилиб, жаҳондаги барча тинчликсевар давлатлар билан тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаат асосида дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини фаол олиб бораётган мамлакатга айланди.

Яқинда юртимизга ташриф буюрган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби жаноб Антониу Гутерриш ҳаққли равишда эътироф этганидек, минтақамизда интеграция жараёнларини кучайтириш, “Марказий Осиё руҳи”ни шакллантиришда Янги Ўзбекистоннинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Бугун бу ҳақиқатни дунё ҳамжамияти тан олмоқда.

Китобнинг **“Янги Ўзбекистон — хавфсиз ва тинчликсевар давлат”** деб номланган сўнгги бобида **“Янги Ўзбекистоннинг минтақавий сиёсати”** ва умуман, бугунги сиёсий ва ижтимоий қиёфаси қандай бўлиши кераклиги **“Янги Ўзбекистоннинг ўзаро ишонч ва ҳамкорликка асосланган иқтисодий дипломатияси”, “Ўзбекистоннинг янги сиёсати векторлари: ватандошлар билан ҳамкорлик ва мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш”, “Ҳарбий-жанговар қудрат ва юксак маънавий салоҳият — Ўзбекистон Қуролли Кучларининг икки буюк таянчи”,** қўшни Афғонистон билан муносабатлар истиқболи **“Бизга тинч ва барқарор, ўзаро манфаатли шериклик учун очиқ Афғонистон керак”** каби мавзулар таҳлили орқали батафсил ёритиб берилган.

Хулоса қилиб айтганда, **“Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон”** китобида мамлакатимизнинг бугунги тараққиёт суръатлари, унинг жаҳон майдонидаги тобора ортиб бораётган обрў-эътибори ва нуфузи, олис ва яқин истиқболга мўлжалланган мақсад ва вазифалари қандай мустаҳкам пойдеворга асосланиши, қандай омиллар ҳисобидан таъминланаётгани ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинган. Ўзбекистондаги кўп қиррали сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий ислоҳотларнинг, мамлакатимиз ва жаҳон ҳамжамияти ўртасидаги муносабатларнинг бирон-бир йўналиши муаллиф эътиборидан четда қолмаган.

Ҳозирги замоннинг шиддатли ва зиддиятли тараққиёт тамойилларини мураккаб ва таҳликали давр нуқтаи назаридан тушуниш, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизнинг қадрига етиш, келажакка катта ишонч билан қараб, Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнларида онгли ва бунёдкор фуқаро сифатида муносиб иштирок этишда, янги ватанпарвар авлодни тарбиялашда ушбу асарнинг аҳамияти беқиёсдир.

**ЎзА**

## Муҳаммад АБУНАЙЯН:

# “ЎЗБЕКИСТОНДА “ACWA POWER” ЛОЙИҲАЛАРИ ПОРТФЕЛИ ТОБОРА КЕНГАЯЁТГАНИ МАМЛАКАТ РАҲБАРИЯТИНИНГ УЗОҚНИ КЎЗЛАБ ОЛИБ БОРАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРИНИ ЯҚҚОЛ АКС ЭТТИРАДИ”

Бошланиши 1-бетда

Қулай инвестициявий муҳит, глобал иштирокчилар билан ҳамкорлик ва давом этаётган модернизация Ўзбекистонни энергетика инвестициялари учун жозибадор манзилга айлантиради. Мамлакатнинг “яшил” энергия ва барқарор ривожланишга содиқлиги барқарор энергияга ўтишда етакчи сифатида халқаро эътирофга сазовор бўлишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда ўсиб бораётган лойиҳалар портфелимиз ана шундай истиқболли ислоҳотларни ўзида акс эттиради. “ACWA Power” ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик мамлакатнинг янги энергетикага ўтиши ва улкан мақсадларга эришишига ҳисса қўшади.

Умуман олганда, Ўзбекистонда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, қулай инвестициявий муҳит ҳамкорликнинг кенг истиқболларини очиб бермоқда. Бундан кейин ҳам Ўзбекистоннинг барқарор ва фаровон келажак йўлини қўллаб-қувватлаш бўйича ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришга интиламиз.

**— 2016 йилдан бошлаб мамлакатимиз барча соҳаларда — сиёсат ва иқтисодиётдан тортиб, диний-маърифий жабҳада туб ислоҳотлар билан ажралиб турадиган янги тараққиёт босқичига қадам қўйди. Ўзбекистон жадал ўзгармоқда, мамлакат ўз олдига улкан мақсадлар қўйган. Муҳим соҳа билан шуғулланаётган тадбиркор сифатида бу жараёнлар ва уларнинг натижалари ҳақида қандай фикрдасиз? Умуман олганда, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ва уларни амалга ошириш натижасида яратилган инвестициявий муҳитни қандай баҳолайсиз?**

— Ўзбекистоннинг юксак мақсадлари тадбиркорлик шароитларини сезиларли даражада яхшилашга, мамлакатнинг хорижий капитал учун жозибадорлигини оширишга хизмат қилди. Шаффофлик ва инклюзивлик тамойилларига содиқлик инновациялар ва барқарор ўсишни рағбатлантирадиган қулай инвестиция муҳитини яратишга ёрдам берди.

Ислоҳотлар энергетика соҳасига алоҳида таъсир кўрсатди. Ўзбекистонда ўсиб бораётган портфелимиз бунинг яққол тасдиғидир. Ҳукуматнинг илғор ҳаракатлари билан қўллаб-қувватланган “яшил” энергияга ўтишнинг аниқ стратегияси қайта тикланадиган ва кам углеродли энергия лойиҳаларини ривожлантириш имконини берди. Ушбу ташаббуслар мамлакатни декарбонизация мақсадларига эришиш учун муҳим аҳамиятга эга ва иқлим муаммоларини ҳал қилишда истиқболли ёндашувни намойиш этади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистондаги инвестиция муҳити тўғридан тўғри хорижий инвестициялар учун сезиларли даражада қулай. Ҳукуматнинг глобал шерикликни йўлга қўйиш ва инвестицияларни жалб этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари барқарор ривожланиш учун муҳим бўлган экотизимни яратди.

Ривожланиш салоҳияти, бой табиий ва инсон ресурслари ҳамда тараққиётга интилиш Ўзбекистонни инвесторлар учун идеал манзилга айлантирмоқда. Ўзбекистоннинг “яшил” энергетикага ўтиш борасидаги саъй-ҳаракатлари халқаро миқёсда эътироф этилиши унинг ушбу муҳим соҳадаги етакчилигини таъкидлайди.

2016 йилдан буён Ўзбекистонда амалга оширилаётган жадал ўзгаришлар ва улкан мақсадлар юксак натижалар кўрсатмоқда. Ислоҳотлар самарадорлиги ва қулай инвестициявий муҳит Ўзбекистонни барқарор ривожланиш соҳасида етакчига айлантирди. Шунингдек, давом этаётган ўзгаришлар ва барқарор ривожланишга интилиш республиканинг фаровон келажаги учун йўл очмоқда.

**— Жаноб Абунайян, Сизни Ўзбекистонда нафақат мамлакатимиз иқтисодиётига, биринчи навбатда, энергетика соҳасига энг йирик инвестор бўлган “ACWA Power” компанияси бошқаруви раиси сифатида, балки Ўзбекистон — Саудия Ишбилармонлар кенгаши ҳамраиси сифатида ҳам яхши билишади. Шундан келиб чиқиб, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини қандай баҳолайсиз?**

— Саудия Арабистони билан Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ниҳоятда истиқболлидир. “ACWA Power” компанияси бошқарув раиси ва Ўзбекистон — Саудия Ишбилармонлар кенгаши ҳамраиси сифатида мен икки томонлама муносабатларимизнинг ўсиши ва ривожланишини бевосита кузатиш шарафига муяссар бўлдим.

Амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар туфайли Ўзбекистон хорижий инвестициялар учун қулай муҳит яратишда сезиларли ютуқларга эришди. Ушбу ислоҳотлар ишбилармонлик муҳитини сезиларли даражада яхшилаб, мамлакатни Саудия Арабистони ва бошқа давлатлар инвесторлари учун жозибадор манзилга айлантирди. Ўзбекистонга, айниқса, энергетика соҳасига киритаётган инвестицияларимиз мамлакат иқтисодий салоҳиятига, Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида узоқни кўзлаб олиб борилаётган сиёсатга бўлган юксак ишончимизни намоён этади.



Ўзбекистон — Саудия Ишбилармонлар кенгаши мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади. У бизнес раҳбарлари ва сиёсатчилар ўртасида мулоқот, ҳамкорлик ва фикр алмашиш учун платформа бўлиб хизмат қиляпти. Бу шериклик Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиши ва барқарорлигига хизмат қилувчи қатор муҳим лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилишига замин яратди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳукумати томонидан амалга оширилаётган қулай инвестициявий муҳит ва стратегик ислоҳотлар глобал иштирокчиларни жалб этишда муҳим аҳамиятга эга. Бу саъй-ҳаракатлар Ўзбекистонни барқарор энергетикага ўтиш, халқаро эътирофга эришиш ҳамда келгусидаги ҳамкорлик эшикларини очиш бўйича етакчига айлантирди.

Ўзбекистон — Саудия Арабистони савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлигининг бугунги ҳолати мустаҳкам ва жадал ривожланиб бормоқда. Ушбу мустаҳкам пойдеворни ривожлантиришда давом этар эканмиз, келажак янада истиқболли бўлишига ишонамиз. Мамлакатларимизнинг барқарор ривожланиш ва иқтисодий ўсиш концепциялари ўртасидаги ҳамкорлигимиз бундан буён ҳам равнақ топиб, ҳар икки давлатга фаровонлик ва ўзаро манфаат келтиришини таъминлайди.

**— “ACWA Power” компанияси мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Сиз раҳбарлик қилаётган компаниянинг истиқболдаги режаларида Ўзбекистонда янги қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича қандай аниқ мақсадлар ўрин олган?**

— Шубҳасиз, “ACWA Power” компанияси Ўзбекистондаги қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш ва кенгайтириш тарафдори. Мамлакатларимиз ўртасидаги шерикликни ривожлантиришга қўшган ҳиссамиз салмоқли бўлди ва биз келажакда ҳам ушбу жабҳада порлоқ келажакни кўряпмиз.

Ҳозирда Ўзбекистондаги умумий лойиҳалар портфелимиз 11,6 ГВт. электр энергиясини ташкил этади, шундан 10,1 ГВт. қайта тикланадиган манбалардир. Бунга 5 ГВт. қувватга эга Марказий Осиёдаги энг йирик шамол электр станцияси “Арал Винд” киради, у қарийб 4,5 миллион хонадонни тоза энергия билан таъминлайди, шунингдек, мамлакатдаги биринчи “яшил” водород ишлаб чиқариш лойиҳаси қуввати йилига 3000 тоннани ташкил этади. Ушбу инновацион лойиҳанинг биринчи босқичи 2023 йил ноябрь ойида очилган.

Бугунги кунда мамлакатингизда жами 13,7 миллиард АҚШ долларига тенг инвестиция лойиҳаларининг 20 таси амалга оширилиш, қурилиш ёки ишлаб чиқиш босқичида бўлиб, бу Ўзбекистонни Саудия Арабистонидан ташқаридаги энг йирик ҳамкоримизга айлантирмоқда.

Ўзбекистондаги инвестицияларимиз ва фаолиятимиз 25 йиллик электр энергиясини сотиб олиш шартномалари ҳамда қуриш ва эксплуатация қилиш моделига асосланади. Бу бизнинг узоқ муддатли мажбуриятларимиз ва минтақавий фаолиятимизнинг барқарорлигини таъминлайди. Бундай ёндашув нафақат барқарор ва ишончли энергия таъминотини кафолатлайди, балки Ўзбекистон тараққиётида стратегик шерик бўлиш истагини ҳам тасдиқлайди.

Ўзбекистон — жадал ривожланаётган бозор ва биз унинг энергетика секторидаги энг йирик инвестори эканлигимиздан фахрланамиз. Айниқса, қайта тикланадиган энергия ва “яшил” водород лойиҳалари соҳасида кейинги ўсиш ва инновациялар салоҳиятидан мамнунмиз.

“ACWA Power” Ўзбекистондаги инвестицияларини сақлаб қолиш ва кенгайтириш ниятида. Биз яқин ҳамкорлигимизни давом эттиришга ҳамда мамлакат энергетика тармоғининг барқарор ривожланишига ҳисса қўшишдан манфаатдормиз.

**— Мамлакатдаги ислоҳотларнинг бевосита ташаббускори ва ҳаракатлантирувчи кучи Ўзбекистон раҳбариятидир. Шу билан бирга, фаол саъй-ҳаракатлар фақат ички ислоҳотлар билан чекланмайди. Бугунги кунда республикамиз глобал таҳдид ва муаммоларга бефарқ бўлмаган иштирокчи сифатида ўзини намоён қилмоқда. Жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланиб, аниқ самара берадиган йирик халқаро ташаббуслар илгари сурилмоқда. Давлатимизнинг бундай фаол ички ва ташқи сиёсати ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.**

— Ўзбекистоннинг фаол ички ва ташқи сиёсати юксак эътирофга лойиқ, мамлакатнинг ҳар томонлама ривожланиш ва халқаро ҳамкорликка интилишидан далолат беради. Ўзбекистонда турли соҳаларда, жумладан, иқтисодиёт, сиёсат ва ижтимоий жабҳада кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Ушбу янгиланишлар ўсиш ва ривожланиш учун янада очиқ, инклюзив ва динамик муҳитни яратишга кўмак берди.

Ўзбекистон ташқи миқёсда глобал масалалар бўйича фаол позицияни эгаллаб, йирик халқаро ташаббусларда иштирок этмоқда. Бундай ёндашув мамлакатнинг халқаро ҳамжамиятдаги масъулиятли ва истиқболли аъзо сифатидаги ролини таъкидлайди. Ўзбекистон ўзини тинчлик, фаровонлик ва барқарор тараққиётга кўмаклашиш, глобал муаммоларни ҳал қилиш ва халқаро мулоқотга ҳисса қўшишда асосий иштирокчи сифатида намоён этмоқда.



Ўзбекистон ташаббусларининг халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланаётгани ва эътироф этилаётгани унинг ташқи сиёсати самарали эканидан далолат беради. Бу ташаббуслар Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги обрў ва нуфузини мустаҳкамлаб, аниқ натижалар бермоқда. Масалан, Ўзбекистоннинг минтақавий ҳамкорлик ва мулоқотларни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари қўшни давлатлар ва ундан ташқаридаги мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамламоқда, минтақавий барқарорлик ва иқтисодий интеграцияга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг фаол ички ва ташқи сиёсати мамлакат раҳбариятининг ривожланиш ҳамда халқаро ҳамкорликка ҳар томонлама ва стратегик ёндашувини акс эттиради.

**— Келажакка назар ташлайдиган бўлсак, “ACWA Power” Ўзбекистон энергетика сектори учун қандай имкониятларни кўрмоқда? Компаниянинг ушбу ўзгаришларга мослашиши ва ривожланишини қандай тасаввур қиласиз ва Сизнинг узоқ муддатли мақсадларингиз қандай?**

— Келажакка назар ташлайдиган бўлсак, “ACWA Power” компанияси Ўзбекистон энергетика соҳасида, айниқса, қайта тикланадиган энергия соҳасида катта имкониятларни кўрмоқда. Ҳукумат энергия таркибидаги қайта тикланадиган энергия манбаларининг улушини ошириш бўйича улкан мақсадларни қўйган ва “ACWA Power” уларга эришишда Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаш учун яхши позицияга эга.

Қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий этишдаги асосий масалалардан бири энергия таъминотининг беқарорлигидир. Буни енгиб бўлмайдиган тўсиқ сифатида кўришнинг ўрнига биз ўн йил олдин тасаввур қилиб бўлмайдиган замонавий технология ечимларидан фойдаланган ҳолда энергия сақлаш тизими (аккумулятор) — BESSни (Battery Energy Storage Solutions) амалга оширдик. BESSнинг қуёш фотоэлектр станциялари лойиҳаларга интеграциялашуви туфайли Ўзбекистон минтақадаги энг йирик энергиясини сақлаш объектларига эга бўлади. Бу эса республикада электр тармоқларини барқарорлаштириш ва қайта тикланадиган энергетикани ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Биз бу масалаларни йирик энергетика лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишга билим ва тажрибамизни олиб кириш имконияти сифатида қараймиз.

Биз инвестициялардан тезда даромад олиш учун бозорларга чиқишга интилмаймиз. Жамиятга қайтариб бериш биз учун муҳим, шу сабабли республикада корпоратив ижтимоий масъулият дастурларини амалга ошириш мақсадида саъй-ҳаракатлар олиб борамиз. Мазкур дастурлар қаторига Ўзбекистоннинг чекка ҳудудларидаги 100 минг аҳоли яшайдиган уйларни электр энергияси билан таъминлаш учун 40 минг дона интеграциялашган қуёш фотоэлектр панелларини ўрнатиш ҳамда Ширин энергетика коллежи билан ҳамкорлик ҳам киради. Ушбу касб-ҳунар билим юрти энергетика ва сув тармоқларида ишлайдиган қарийб 350 нафар маҳаллий мутахассисларни тайёрлаш маркази ҳисобланади. Бу йил ёзда биринчи битирувчиларимиз ўқишни тамомлайди.

Бизнинг Ўзбекистондаги узоқ муддатли мақсадимиз — мамлакат аҳолисини барқарор ва арзон энергия билан таъминлаш, республиканинг янги энергетика соҳасига ўтишида ишончли ҳамкорга айланиш. Биз лойиҳаларимиз муҳим ижтимоий ва иқтисодий фойда келтиришини таъминлаш учун маҳаллий аҳоли ва манфаатдор томонлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, инновациялар ва янги технологияларни ўрганишда давом этамиз.

**— Ўзбекистонга бир неча бор ташриф буюрган инсон сифатида юртимизнинг бой маданий-маънавий мероси ва ўзбек халқи ҳақидаги фикрларингиз ҳам биз учун муҳим.**

— Ўзбекистон ўзининг ажойиб гўзаллиги, бой маданий-маънавий мероси, меҳмондўстлиги билан ажралиб туради. Мамлакатингизга ҳар сафар келганимда унинг тарихи, анъаналари ва ўзбек халқининг самимиятидан ҳайратда қоламан.

Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларининг жорий йил бўлиб ўтган учинчи Тошкент халқаро инвестиция форумидаги нутқи менда катта таассурот қолдирди. Давлатингиз раҳбарининг янги Ўзбекистон ҳақидаги қарашлари, ҳақиқатан, етакчилик намунасига хосдир. Мамлакатингиз етакчиси Ўзбекистон ва ўзбек халқига бўлган садоқати муҳим ва долзарб нарсаларга алоҳида эътибор бераётганида яққол намоён бўлади. Президент жаноблари инвестицияларнинг ҳал қилувчи ролини таъкидлайди, лекин ундан ҳам муҳими, сифатли таълим, ривожланган инфратузилма ва Ўзбекистон фуқароларининг ҳаёт сифатини яхшилашга содиқлигидир. Бу одамларга куч беради ва улар учун янги имкониятлар яратади.

Бундай эътибор Ўзбекистонни халқаро инвесторлар ва ҳақиқий ҳамкорлар сифатида биз учун жозибадор қилади. Ўзбекистонни барчага ўрнак бўлаётган беқиёс етакчиси учун яхши кўрамиз. Сўнгги уч йил ичида мен давлат раҳбарининг кўплаб нутқларини бевосита тингладим ва унда айтилган ҳамма жиҳатлар бажарилганига гувоҳ бўлдим. Кўп гапириб, лекин иш қилмайдиган раҳбарлардан фарқли ўлароқ, Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари берган ваъдаларини бажармоқда ва бунинг учун ундан чин дилдан миннатдормиз.

Айни пайтда Саудия Арабистони Ўзбекистоннинг муҳим инвестициявий ҳамкорларидан биридир. Бугунги кунда бу қараш энергетика секторига, жумладан, дунёдаги биринчи “яшил” маълумотлар марказига миллиардлаб инвестиция киритилиши билан ҳақиқатга айланди.

Ўзбекистон ўз халқи, айниқса, аҳолининг 60 фоизини ташкил этувчи ёшлар учун муқаддас заминдир. Давлатингиз раҳбарининг ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари уларнинг ўз қарашлари ва орзуларини рўёбга чиқариш салоҳиятига ишончини оширади. Ўзбекистоннинг келажаги буюк ва у Марказий Осиёда етакчи намуна бўлиб, бошқаларга илҳом бахш этади.

Бизга ҳар соҳада етакчилик ва яхши намуна керак. Бу борада Ўзбекистон ўзини намоён этмоқда. Ўзбек халқига энг яхши тилакларимни йўллайман. Барқарор тараққиёт ва муваффақиятларга эришишда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин.

**— Абунайян жаноблари, самимий суҳбат ва саволларимизга батафсил жавобларингиз учун миннатдорлик билдирамиз.**

— Раҳмат.

**“Дунё” АА**

БИР БЎЛСАК — ЯГОНА ХАЛҚМИЗ, БИРЛАШСАК — ВАТАНМИЗ!

# ДУНЁ НИЗОМИДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ!

**Ислом дунёси таълим, фан ва маданият ташкилоти (ICESCO) Бош директори Салим бин Муҳаммад ал-Малик** ўзбек заминида билимга чанқоқ, тинчликка интилувчи халқ яшаши, улар маърифатпарвар халқлар орасида муносиб ўрин эгаллашини азалдан исботлаб келганини алоҳида эътироф этиб, *“Ўзбекистон раҳбари, муҳтарам Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларининг жамиятда таълим ва илм-фаннинг ролини ошириш, маданиятни асраб-авайлаш ва юксалтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари ва ташаббусларини Аллоҳ таоло барокатли қилсин”*, дея ўз самимий тилакларини билдирди.



**Салим ДОНИЁРОВ**

**Биз бугун эришган катта-катта, оламшумул ютуқларни, халқимиз юз йиллар давомида фақат орзу қилиб келган турмуш шароитини, яшаш тарзимизни, эркин ҳаракатланишимиз имкониятларини бизга биров четдан келиб қилиб бергани йўқ. Ҳаммасига ўзимиз эришдик. Бу эса, ўз навбатида, халқимизда “Қилса бўлар экан-ку” деган ишонч туйғусини уйғотди, мустаҳкамлади.**








Бошланиши 1-бетда

Келинг, шу ўринда таниқли иқтисодчи олимлар Дарон Ажемўғли ва Жеймс Алан Робинсоннинг умумий хулосасига эътибор қаратамиз: **“Кучи ва маблағини тикиши учун одамлар қаттиқ меҳнат қилса, бойиши мумкинлигига ишониши зарур, бу эса инновацияга рағбат, барқарорлик ва тинчликни таъминловчи ишончли институтлардир”.**

Мана шу талқинни янги Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёт йўли билан боғласак, кўз олдимизда катта бир эврилишлар силсиласи намоён бўлади.

Хуллас, дунё ишларидан бир оз чекиниб, миллий танловимиз ва жамиятимизнинг янги қиёфаси ҳақидаги айрим мулоҳазаларга ўрин берсак.

Ватанимиз мустақиллигининг 33 йиллигини муносиб қарши оляпмиз. Бу фурсат кенг мушоҳада юритмоқ чоғидир.

Дарон ва Жеймс каби олимлар фикрида жон бор. Аввало, одамларда ишонч бўлиши керак. Ҳар бир иш бошида ишонч туради. Янги Ўзбекистон жамоатчилигида бугун ана шу буюк ишонч ҳисси мужассам, муҳими, у кун сайин мустаҳкамланиб бораверishi зарур. Бундай дейишимизга асослар етарли.

**Биринчи асос:** Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз лавозимига киришган илк кунлардан бошлаган халқчил ва давлат бошқарувидаги очиқлик сиёсатига шубҳа билан қараганлар кўп бўлган эди. Аммо давлатимиз раҳбари ўз танлаган йўлидан ортга қайтмади, халқимиз фаровон турмуш қуриш истагида қайта куртаклаган орзулари рўёбини янги Йўлбошчи — ўз Президенти бошлаган ислоҳотлар орқали кўриш мақсадидан бир зум ҳам чекинмади.

Энг муҳими, биз бугун эришган катта-катта, оламшумул ютуқларни, халқимиз юз йиллар давомида фақат орзу қилиб келган турмуш шароитини, яшаш тарзимизни, эркин ҳаракатланишимиз имкониятларини бизга биров четдан келиб қилиб бергани йўқ. Ҳаммасига ўзимиз эришдик. Бу эса, ўз навбатида, халқимизда **“Қилса бўлар экан-ку”** деган ишонч туйғусини уйғотди, мустаҳкамлади.

**Иккинчи асос:** кечаги кунимиз ва бугунги ҳаётимиз, дунёқарашимиз ўртасида ер билан осмонча ўзгаришларни, фарқларни кўряпмиз, уларни кундалик турмуш тарзимизда ҳис этяпмиз.

Бир-иккита оддий мисолларни айтиб ўтсак. Кечагина қишлоқ аёллари фарзандини боғчага бериш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмас эди. Бугун эса мамлакат миқёсида болаларнинг мактабгача таълимга қамров даражасини 100 фоизга етказиш мақсадидаги ишлар жадал кетяпти.

Пластик картамиздаги пулни нақдлаштириш учун банклар эшиги олдида сарғайиб, кўп сарсон бўлиб юрганимизни ҳозир кулиб-кулиб эслаймиз. Аммо у манзара жуда ачинарли ва адолатсиз эди-ку!

Шу кунларда Тошкентга қишлоқдан келган абитуриентни учратмайсиз. Улар ўз яшаш жойига яқин манзилда имтиҳон топшириш билан банд. Лекин шу пайтгача бу мавсумда олис қишлоқлик мактаб битирувчиси ота-онаси билан Тошкентга келиб, ётишга жой излаб, ҳатто кўчалардаги ўриндиқларда тонг оттиргани гувоҳи бўлмаганмизми? Бу ҳам майли, ўқишга бир папка ҳужжат йиғиб, 500-1000 километр йўл босиб пойтахтга келгач, қабул комиссияси тиббий маълумотномада қайсидир бир шифокор муҳри бўлмагани учун ҳужжатларни қайтариб бергани, чорасиз абитуриент яна шунча йўл босиб, қишлоғига бориб қайтишга мажбур бўлгани-чи?

Тошкент пропискаси билан боғлиқ дахмазалар, кўчада милициядан яшириниб, қочиб юришлар ҳақида эсласак, юрак ҳамон орқага тортиб кетади.

Оддий одамлар ҳаётидаги бундай ўзгаришларни ҳозир кўплаб санаш мумкин. Шу каби ислоҳотлар ҳаётимизга янгича мазмун олиб киргани, она юртимизга бўлган меҳру муҳаббатимизни жўштиргани, одамларда дахлдорлик ҳиссини тарбиялаётгани ҳақида ҳам кўп-кўп гапириб туришимиз керакка ўхшайди.

**Учинчи асос:** биз бугун **“Ютуқлар ўзимизники, олдимизда эса ҳали амалга ошириладиган ишлар кўп”** деган қатъий иродали мақсадлар билан яшаяпмиз. Бунинг замирида бугунгидан-да катта ютуқларга эришиш, уларга муносиблик ишончи бор.



Бу ҳам ўз-ўзидан шаклланадиган юксалиш даражаси эмас. Бунинг негизида миллий ҳодисалар туради. Гап шундаки, ҳар қандай давлат халқни, жамиятни, мамлакатни ривожлантиришга асосланган институтлар кўмагида тараққий этади. Миллий давлатчилигимизда бу тизим **“маҳалла институти”** дейилади. Кейинги йилларда эришган энг катта ютуқларимиздан бири маҳаллаларга алоҳида эътибор қаратилаётгани билан боғлиқ бўлмоқда.

Биз одамлар ҳалол меҳнати ортидан бойишига ишонсагина, ўз кучи ва маблағини тикиши мумкинлиги, бу инновацияга рағбат, барқарорлик ва тинчликни таъминловчи ишончли институтга айланиши ҳақидаги фикрни бежиз қайд этмаган эдик. Шу нуқтаи назар билан ишонч муҳитининг шаклланишига йўл очган айрим асосларни келтириб ўтдик, энди инновация, барқарорлик ва тинчлик муҳити ҳақида ҳам тўхталсак.

Инновация эркин жамиятлардагина пайдо бўлади. У рағбатни яхши кўради. Шу маънода, янги Ўзбекистонда инноваторлар учун қулай муҳит яратилаётир, бу жараёнда, айниқса, ёшлар қўллаб-қувватланмоқда.

Барқарорлик ва тинчлик ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди, бунинг учун кучли истак, хоҳиш ва орзуларгина етарли эмас. Бу икки муқаддас ҳаётий тутумга катта сиёсий ирода ва бетўхтов саъй-ҳаракатлар, бағрикенглик тамойиллари билан эришилади. Бугун янги Ўзбекистон ана шу йўлда собитқадамлик билан одимламоқда.

## ДУНЁ БИЗНИ ЯНГИТДАН ТАНИДИ ВА ТАН ОЛДИ

Ютуқларимизни ҳам бир-бир эслаб турайлик, дедик. Гап шундаки, ёмонликка олсак, ҳамиша гап топилади. Ҳар ким ўзидан “хафа қиёфа” ясаб олиши ҳам жуда осон. Бизга бугун тош отганлар келажак уларга тўпдан ўқ отишини тушуниб, англаб, чуқур таҳлил қилиб, тавба-тазарруга келаётганини ҳам кўриб турибмиз.

Лекин эзгулик ва яхши натижаларни эътироф этиш, айниқса, бугунги давр — давлатлараро муносабатларда ўзаро ишончсизлик кайфияти кучаётган, ҳарбий ҳаракатлар сиёсати авж олаётган, халқаро тинчликпарвар ташкилотларнинг таъсир кучи сусая бошлаган бир шароитда ниҳоятда тансиқ бўлиб қолди.

Танқидни келажак меваси, деймиз. Бунга шубҳа йўқ. Танқид бир ёқлама эмас, таҳлилий бўлса, нур устига нур. Айтмоқчимизки, биз бугун кўп ютуқларимизни ўзаро таҳлил қилмай қўйгандекмиз, назаримда. Жамиятда таҳлил руҳи сўниб қолмаслиги керак. Акс ҳолда, беписандлик, ўзибўларчилик ва ношукурлик кайфияти бўй кўрсата бошлайди.

Шу маънода, кейинги йилларда мамлакатимизда ҳаётий мазмуни, тарихий қимматли аҳамияти бир қадар унутилаёзган ёки биз кўникиб қолган, худди азалдан шундай бўлгандек қараётган ислоҳотлар кўплигини яна бир бор биргаликда ёдга олсак, фойдадан холи бўлмас деб ўйлаймиз.

**Шулардан бири — Марказий Осиёдаги бирдамлик ва бағрикенглик сиёсати.**

Биз нотаниш манзилга борар йўлда кўрсаткичларга таянамиз. Йўл четидаги ёзувларни диққат билан ўқиб борамиз, чақиримларни санаймиз. Шунга қараб мўлжал оламиз.

Сиёсат ҳам шундай. Фақат унда мўлжаллар жуда аниқ бўлиши керак. Бу янги Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан йўлга қўйган дўстона сиёсатида қандай акс этмоқда?

**Биринчидан,** Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган қисқа даврда Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги сиёсий қарашларни ўзгартира олди. Яқин қўшничилик, ўзаро бирдамлик ва тарихий муштараклик ғоялари билан минтақада мутлақо янгича сиёсий руҳни шакллантирди.

**Иккинчидан,** минтақавий ривожланиш хабларини яратиш бўйича жуда муҳим ташаббусларни илгари сурди. Булар янги транспорт-логистика коридорлари, ўзаро товар айирбошлашдаги енгилликлар, минтақавий туризм механизмини ишга тушириш, сув, чегара масалалари, ёшлар сиёсати, маданий-маърифий йўналишлардаги ҳамкорлик каби бир қатор жабҳаларда ўз аксини топди.

**Учинчидан,** Марказий Осиё давлатлари бирдамлигини дунёга янгитдан танитиш ва бу сиёсий ирода мустаҳкам экани, унга ҳеч бир ташқи куч рахна солишига йўл қўйилмаслиги халқаро нуфузли расмий тадбирларда ҳам бир неча бор таъкидлаб ўтилди.

Бу каби сиёсий мўлжалларнинг ғоят аниқлиги ва узоқни кўзлагани самарасида бугун Марказий Осиё давлатлари ғоявий-мафкуравий жиҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам туб янгиланиш йўлига ўтди. Буни халқаро сиёсатчилар кўп бор эътироф этиб келади. Жумладан, **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти собиқ Бош котиби, Яшил ўсиш глобал институти (GGGI) Ассамблеяси президенти ва Кенгаши раиси Пан Ги Мун** яқинда “Дунё” ахборот агентлигига берган интервьюсида, жумладан, шундай деди: *“Ишончим комилки, бундай ислоҳотларнинг бошида, айниқса, кўп қийинчиликлар бўлган, шу сабабдан Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига миннатдорлик билдириш керак деб ҳисоблайман. Ҳатто Ғарб мамлакатларида ҳам, менинг Ватанимда ҳам ҳар қандай ўзгаришларга холисона ўйламасдан, шахсий манфаат ёки бошқа сабабларга кўра, қатъий қаршилик кўрсатадиганлар топилади. Менимча, Ўзбекистон каби собиқ иттифоқ мамлакатида ушбу жараён янада мураккаброқ кечади. Ислоҳотларнинг самаралари қўшни давлатларга янада ижобий таъсир кўрсатиб, келгуси йилларда бутун минтақа ҳаётини янада яхшилашга ёрдам берадиган ўзгаришлар занжирини яратади деб ўйлайман”*.

Дарҳақиқат, ислоҳотларни ҳамма ҳам бирдек қўллаб-қувватлайвермайди. Қаршилик кўрсатадиганлар топилади. Аммо вақт ўтгани сайин ўзгаришлар занжири ҳаётда ўз сўзини айта бошлагач, вазият ўнгланади, тарафдорлар кўпая боради. Айтмоқчимизки, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги бағрикенглик ва дўстона сиёсати бугун халқаро миқёсда тан олинди.

Яна бир муҳим ислоҳот **бу — туркий давлатлар бирлашуви.**

Ер юзидаги тоғлар инсонларга ҳайрат улашиб туради. Бундай улкан тоғлар қандай пайдо бўлгани ҳақида илоҳий қарашлар устунлик қилади, албатта. Олимлар эса тоғлар қанча юксак бўлса, ер остида ўз юксаклигига тўрт ярим баробар узунликка тенг томирга эга бўлишини кашф қилган. Тоғ шу томирга таяниб тоғ бўлади.

Ер юзидаги туркий халқлар тарихи ва туташ илдизларини ҳам шундай мустаҳкам ягона томирга қиёс этгулик. Улар қадим-қадимдан қудратли, бой ва тадбирли саналган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 6 июль куни Озарбайжоннинг Шуша шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар саммитида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, **туркий дунё халқлари ўз тараққиётининг турли даврларида умумбашарий цивилизация ривожига мислсиз ҳисса қўшган. Номларини жаҳон аҳли яхши биладиган улуғ аллома ва уламоларимиз иккита буюк Ренессансга асос солган. Бу азал-азалдан халқларимиз ҳаётида инсон капитали нақадар юқори бўлганидан дарак беради.**

Ўзбекистон бундан беш йил аввал Туркий давлатлар ташкилотига аъзо бўлиб кирган эди. Ўтган қисқа даврда 30 дан ортиқ муҳим йўналишларда ўзаро манфаатли ва кенг қамровли ҳамкорлик йўлга қўйилди. Самарқанд шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотининг беш йиллик стратегияси қабул қилинди.

Халқаро экспертлар кейинги йилларда Туркий давлатлар ташкилоти тўлақонли халқаро тузилма сифатида шаклланганини, жаҳон иқтисодий ўсиш марказларидан бирига айланганини таъкидлар экан, бу ўзгаришларда Ўзбекистоннинг ушбу тузилмадаги сиёсий ва иқтисодий ўрни алоҳида эканини эътироф этмоқда.

Албатта, бу фикрларга асослар етарли. Масалан, Президентимизнинг ТДТ доирасидаги ташаббуслари нафақат ташкилотга аъзо давлатлар, балки бошқа сиёсий тузилмалар, ҳамкор давлатлар томонидан ҳам қизғин кутиб олинмоқда.

Шу ўринда баъзи рақамларга эътибор қаратамиз. Давлатимиз раҳбари 2019-2023 йилларда ТДТ доирасидаги фаол ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган 50 дан ортиқ ҳаётий ташаббусни илгари сурди. Энг муҳими, улардан 42 таси муваффақиятли амалга оширилган, қолганлари эса якуний босқичда.

Умуман олганда, туркий давлатларнинг бирлашуви ва бунда Ўзбекистоннинг муҳим иштироки тарихий адолат тикланиши, деганидир. Чунки бугунги дунёнинг ўзгараётган ва тараққиётлар кўчиши Шарқ томон оғаётган айни палласида қадим-қадимдан тамаддунларга бешик бўлган бизнинг замин — янги Ўзбекистон дунёга қайтадан танилаётгани ана шу тарихий адолат руҳидан далолат беради.

**Учинчи муҳим ютуғимиз — Ўзбекистоннинг дунёга очилиши ва дунёнинг Ўзбекистонга интилиш сиёсати.**

**Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёль** *“Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари 2016 йилда Президентлик лавозимига киришганидан буён дадил ислоҳотлар ва очиқлик сиёсатини юритиб, Ўзбекистонни мутлақо янги мамлакатга айлантирди”*, деди.

Албатта, бундай юксак эътирофлар сон-саноқсиз. Ўтган етти йилда биз эришган ютуқларни халқимиз, дунё сиёсатчилари — барча-барча ҳақли равишда Президентимиз Шавкат Мирзиёев номи билан боғлайди. Ҳақиқат шу.

Бугунги Ўзбекистон дунёга очилди, ўз навбатида, дунё ҳам биз томон талпинмоқда. Бу шунчаки оддий гап эмас. Замирида катта меҳнат, уйқусиз тунлар, заҳматлар борлигини ҳеч ўйлаб кўрганмизми?! Ўйлаб кўриш керак!

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорида **“Дунё бизни янгитдан таниди ва тан олди”,** дейилди.

Бу бор-йўғи кейинги етти йилда эришилган натижа, халқаро доираларда тан олинган эътироф. Лекин бу бунёдкор халқимиз учун марра эмас. Ҳали олдинда стратегик ривожланиш учун катта-катта режаларимиз бор.

Айтмоқчимизки, инсон ўз тафаккурини доим чархлаб туриши керак. Акс ҳолда, ортга кетилади. Шу маънода, айтиш жоизки, биз эришган ютуқлар, мамлакатимизнинг янги қиёфаси ҳар биримиздан янада ҳушёрлик, фидойилик ва ватанпарварликни талаб қилади. Гап шу ўзанда борар экан, беихтиёр шоиримиз Абдулла Ориповнинг “Огоҳлик” шеъри ёдга тушади:

***Қора кунлар келди кўҳна диёрга,***
***Устоз йиғлай-йиғлай айлади хитоб:***
***— Майли сувга оқсин, сингсин деворга,***
***Нодоннинг қўлига тушмасин китоб.***
***Енгди маърифатни манфур жаҳолат,***
***Ўзбекда қатағон даври бошланди.***
***Қодирий мухлиси қилинди ғорат,***
***Чўлпонни ўқиган отиб ташланди.***
***Йиллар ўтиб кетди, озодмиз, шукр,***
***Лекин сен огоҳ бўл, маърифатли жон.***
***Ҳали тирик юрар каламуш қурғур,***
***Кўзлари йилтиллаб турибди сичқон.***

Ҳикматга тўла бу сатрлар йиллар ўтгани сайин янада долзарблик касб этиб бормоқда. Кўриб турибмиз, атрофимизда яхши — дўст кучлар ҳам, ёмон — душман кучлар ҳам ўралашиб юрибди.

Бундай вазиятда онг остидаги қувватларни ишга солиш зарурати пайдо бўлади. Шу зарурат туфайли ҳам давлатимиз раҳбари жон куйдириб, маънавий тарғибот ҳақида бонг урмоқда. Бу чорловни бугун ҳар биримиз теран англаб етишимиз керак. Ишимиз ҳам, амалимиз ҳам, ўйимиз ҳам бир бўлиши зарур. Шундагина халқимиз, ёшларимиз онги остидаги маънавий ҳидоят қувватларини уйғота биламиз. Шундагина бугунги дунё низомига янги Ўзбекистон руҳи сингиб боришини янада жозибадор қилган бўламиз.

Чунки ҳозирги замонда шу руҳга эҳтиёж бор. Боиси, дунё энди тобора манманлик касб этаверади. Бу жараёнда андишанинг отини қўрқоқ қўядиганлар кўпаяди. Шундай экан, биз ўзимизнинг қудратимизни, куч-ғайратимизни, эзгулик тарафдори эканимизни амалдаги ишларимиз, натижаларимиз билан кўрсатаверишимиз керак ва бу ҳаётий заруратга айланиши шарт.

**Ип-калава ва матоларни қайта ишлашни чуқурлаштириш ҳамда юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобига тўқимачилик саноатининг экспорт имкониятини ошириш мумкин. Бунда соҳага кластер тизими татбиқ этилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўляпти.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2024 йил 24 июль, 147-сон
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz



Ислоҳотлар самараси

# ЎЗБЕКИСТОН ТЕКСТИЛЬ СОҲАСИДА ГИГАНТ ИҚТИСОДИЁТГА АЙЛАНМОҚДА





**Мавлуда ХЎЖАЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси**

Бошланиши 1-бетда

Умуман, мажбурий меҳнатга жалб қилганлик учун жазо чоралари кучайтирилганига доир рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Асосийси, кейинги йилларда ушбу йўналишдаги қонунчилик базасини замон талаблари ҳамда халқаро нормалардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш мақсадида 40 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Қолаверса, ўтган даврда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатига қаратилган миллий қонунчилигимиз ҳам такомиллаштирилиб, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги каби қонунлар имзоланди.

Шунингдек, 2022 йилда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси ишга тушди. Кодексни янги таҳрирда ишлаб чиқиш жараёнида Халқаро меҳнат ташкилотининг 94 та конвенцияси ўрганилиб, 60 дан ортиқ хорижий давлат тажрибаси таҳлил қилинди ва инобатга олинди.

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси қабул қилингани муносабати билан қонуности ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, кодекс талабларига мослаштириш зарурати мавжуд эди. Шунга асосан, Вазирлар Маҳкамасининг Меҳнат кодекси нормаларини амалиётга тўлиқ жорий этишга қаратилган қатор қарорлари қабул қилинди.

Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан Вахта усулида ишлашни ташкил этиш тартиби тўғрисида намунавий низом, иш ҳақини натура шаклида тўлашни тартибга солиш масалалари, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланилиши тақиқланган оғир ишларнинг ҳамда зарарли ёки хавфли меҳнат шароитларидаги ишларнинг рўйхати тасдиқланди.

Шу билан бирга, Халқаро меҳнат ташкилоти билан фаол ҳамкорликда ишчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган конвенцияларга қўшилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, шу кунга қадар ушбу ташкилотнинг 22 та, жумладан, 8 та асос солувчи конвенцияси ва битта баённомаси ратификация қилинди.

Халқаро ҳужжатлардаги стандарт ва нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ҳамда ХМТнинг конвенция ва баённомаларини ратификация қилиш жараёни жадал давом этмоқда. Хусусан, ҳозир ушбу ташкилотнинг яна 7 та конвенциясини ратификация қилиш масалалари ўрганилмоқда.

## Самарали ишлар ЭЪТИРОФИ

**Мамлакатимизда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатининг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоялаш борасида халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий давлатлар билан самарали ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. Бу борада масъул ташкилотлар томонидан самарали ишлар бажарилмоқда.**

Хусусан, Ўзбекистон ва ХМТ ўртасидаги муносабатлар йилдан йилга ривожланмоқда. Ҳамкорликнинг амалий ифодаси сифатида Ўзбекистон ва ХМТ ўртасида 2021-2025 йилларга мўлжалланган муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастури имзоланган ҳамда ижросини таъминлаш борасида режали ишлар қилинмоқда.

Аввалгиларидан фарқли равишда ҳозир мамлакат дастурини амалга ошириш ишлари ҳар икки йилда қабул қилинадиган ва аниқ тадбирларни ўзида мужассам этган “йўл харитаси” асосида бажарилади.

Қолаверса, жорий йил 8-11 июль кунлари мамлакатимизга Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Жильбер Унгбонинг ташрифини ҳам ушбу ташкилотнинг Ўзбекистондаги меҳнат муносабатларига оид ислоҳотларга қизиқиши ортаётгани тасдиғи сифатида кўриш мумкин.

Президентимиз ХМТ бош директорини қабул қилгани, Тошкентда “Бандлик ва ижтимоий ҳимояни уйғунлаштириш орқали Ўзбекистонда ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш” мавзусида халқаро конференция ўтказилгани катта сиёсий воқеа бўлди.

Жильбер Унгбо давлатимиз раҳбари билан учрашувда Ўзбекистоннинг меҳнаткашлар ҳуқуқларини таъминлаш, иш ўринлари яратиш ва халқаро конвенцияларни имплементация қилиш борасидаги ютуқларига юқори баҳо берди. ХМТ Ўзбекистон тажрибасини халқаро миқёсда ўрганиш ва қўллаш учун муваффақиятли модель сифатида кўраётгани ҳамда 2024 йил июнида Ўзбекистон илк маротаба ташкилотнинг Маъмурий кенгашига сайланиши бунинг эътирофи бўлди дейиш мумкин.

ХМТ бош директорининг ташрифи давомида мамлакатимизнинг 2026-2030 йилларга мўлжалланган янги дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилишга келишиб олингани ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ҳужжат тайёрланиши, амалиётга жорий қилиниб, ижроси самарали таъминланишида биз, парламент вакиллари ҳам фаол қатнашамиз.

Мазкур халқаро конференцияда иштирокчилар Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, одам савдосига қарши курашиш, ундан жабрланганларни ҳар томонлама ҳимоя қилишга доир саъй-ҳаракатларни эътироф этди. Шунингдек, мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва унга тўлиқ барҳам беришнинг ташкилий, ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, бу борада давлат ва нодавлат ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, мазкур йўналишларда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ишлар, қолаверса, Ўзбекистон ХМТнинг “Иш ўринларини яратиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш глобал акселератор дастури”га қўшилгани қайд этилди.

ХМТ билан ҳамкорликда умумий қиймати 1,2 миллион долларлик “Ўзбекистонда меҳнат инспекцияси ва меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш” янги лойиҳасини ишга тушириш масаласи кўриб чиқилмоқда.

## БЕКОР ҚИЛИНГАН БОЙКОТ бизга нима берди?



Мамлакатимизда пахтачилик тубдан ислоҳ қилинди, мажбурий меҳнатга чек қўйилди. Натижада 2022 йилда “Cotton Campaign” коалицияси ўзбек пахтасига бойкот тугатилганини эълон қилди. Бунга осонликча эришилмади.

Меҳнат ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар, сармоядорлар, нуфузли фирма ва компанияларни ўз сафида жамлаган “Cotton Campaign” халқаро коалицияси қарори билан ўзбек пахтаси учун ёпилган кўплаб эшиклар очилди. Хусусан, 2009 йилда “Cotton Campaign” ўзбек пахтасига бойкот эълон қилгани сабабли 331 та бренд ва ритейлер компания, жумладан, “Adidas”, “Zara”, “C&A”, “Gap Inc.”, H&M, “Levi Strauss & Co.”, “Tesco” ва “Walmart” кабилар ўзбек пахтасига нисбатан бойкотга амал қилиш мажбуриятини олганини эътиборда тутсак, нақадар қийин аҳволда қолганимизни яхшироқ англаб етамиз.

Ўзбекистоннинг мажбурий меҳнатга тўлиқ барҳам бериш бўйича эришган муваффақиятини ҳисобга олиб, АҚШ Меҳнат вазирлиги ҳам мамлакатимизда етиштирилган пахта ҳосилини “Болалар ва мажбурий меҳнатдан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар рўйхати”дан чиқарилишини эълон қилди. Ушбу қарор юртимизда етиштирилган пахта ва ундан тайёрланган маҳсулотларни АҚШга олиб киришга қўйилган расмий чекловларни бекор қилди. Шу орқали маҳаллий тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилиш учун янги имкониятлар эшиги очилди.

АҚШ Меҳнат вазирлиги ҳисоботига кўра, ўзбек пахтасининг ушбу рўйхатдан чиқарилиш сабаблари Президентимиз мамлакатимизни хорижий сармоядорлар учун жозибали манзил сифатида кўрсатиб, иқтисодий ислоҳотларни олға сура бошлаган 2017 йилдан буён Ўзбекистон пахта саноатидаги жиддий ўзгаришлар, изчил ислоҳотлар билан боғлиқ.

Ҳужжатда таъкидланганидек, ҳукумат бутун ишлаб чиқариш занжирини механизациялашга, ишчи кучидан фойдаланишга эҳтиёжни камайтирадиган йўналишни давом эттирмоқда. Сўзма-сўз айтганда, “Мажбурий меҳнат ҳолатларининг қисқариши мажбурий пахта теримини бекор қилиш ва ишчиларни ёллашда мажбурлашни тақиқловчи ва бундай ҳуқуқбузарликлар учун қатъий жазоларни назарда тутувчи янги сиёсатни жорий этиш орқали мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича ҳукуматнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари натижасидир”.

Шу ўринда Президентимизнинг 2022 йилда Тошкент вилояти фаоллари билан учрашувдаги фикрларини эсласак: “Мен шахсан Президент бўлиб, пахта ҳозир неча фоиз бажарилганини билмайман. Чунки манфаат бўлса, фермерлар, кластерлар ўзи бажараверади. Олдин қандай эди, йилнинг 3-4 ойи эгилиб пахта териш билан ўтарди. Ўқитувчи ҳам, шифокор ҳам, зиёли ҳам далада бўларди. Яқинда йирик бир давлат раҳбари пахтамизни экспорт қилишни сўради. “Экспортга пахта йўқ, тўлиқ қайта ишлаяпмиз”, десам ишонмади. Чунки олдин экспортимиз асоси пахта билан газ бўларди. Ҳозир эса пахтани ҳам, газни ҳам экспорт қилмаяпмиз. Ҳатто газни четдан сотиб ҳам оляпмиз. Сабаби, саноатимиз ривожланяпти. Ана шундай икки асосий маҳсулот четга сотилмаса ҳам экспортимиз ҳажми 2016 йилга нисбатан 5-6 баробар ошди”.

> **Давлатимизнинг халқаро мажбуриятларни бажариш йўлидаги собит ҳаракати билан бирга қишлоқ хўжалиги, айниқса, пахтачилик соҳасини тубдан модернизация қилиш ишлари жадал бажарилди. Натижада пахта кластерлари, тўқимачилик саноати деган атамалар ҳаққоний воқелик шаклида намоён бўлди.**

Беш-олти йил муқаддам пахтамизни нафақат етиштириш, ҳатто сотиш ҳам минг машаққат эди. Турли давлатлардан компанияларни “Отанг яхши, онанг яхши” қабилида чорлаб, катта зиёфатлар эвазига паст нархларга бўлса-да, маҳсулотимизни ўтказардик.

Давлатимизнинг халқаро мажбуриятларни бажариш йўлидаги собит ҳаракати билан бирга қишлоқ хўжалиги, айниқса, пахтачилик соҳасини тубдан модернизация қилиш ишлари жадал бажарилди. Натижада пахта кластерлари, тўқимачилик саноати деган атамалар ҳаққоний воқелик шаклида намоён бўлди.

Ўзбекистон ҳеч вақт пахта импорти билан шуғулланганми? Ҳозир мамлакатимиз қўшни давлатлар пахтасига буюртма бермоқда. Бу, албатта, давлатимиз тарихидаги энг қувончли яна бир янгилик. Ўзбек иқтисодиётида бундай ҳолат ҳеч қачон бўлмаган. Яқинда Тожикистоннинг “Asia-Plus” нашри хабар қилишича, пахта Ўзбекистонга Тожикистондан импорт қилинадиган биринчи рақамли товарга айланди. Хусусан, 2022 йилнинг 6 ойида Ўзбекистон Тожикистондан 17,3 миллион долларлик 6,6 минг тонна пахта импорт қилган.

Пахта экспорти ҳажми қўшниларнинг Ўзбекистонга экспорт товарлари орасида электр ва цементни ҳам ортда қолдирган. Бу ўзбек текстилчилари ва кластерларининг кенгайиб бораётган бизнеси учун ўз пахтамиз етишмаётгани, давлатимиз энди пахтани арзимаган пулга экспорт қиладиган эмас, ундан тайёр маҳсулот етиштириб, ўн баробар қимматроққа сотадиган мамлакатга, қолаверса, минтақа ва жаҳонда текстиль соҳасида гигант иқтисодиётга айланаётганини англатади.

## Саноатнинг ЕТАКЧИ тармоғи

Эътибор қаратишимиз зарур бўлган яна бир муҳим жиҳат мамлакатимизда тўқимачилик соҳасининг жадал ривожи билан боғлиқ. Жаҳон тажрибасига кўра, қулай шароитда тўқимачилик саноати ривожланиши мамлакат иқтисодий ўсишининг муҳим нуқтасига айланиб бормоқда. Бу борада мамлакатимиз муайян рақобат устунлиги ва имкониятга эга.

Тўқимачилик саноати товар ва хизматлар экспортида етакчи ўрин эгаллайди. Аниқроғи, товар ва хизматлар умумий экспортининг қарийб 17,5 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келади.

Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти (МҲТИ) экспертлари фикрича, кейинги йилларда экспортни сифат жиҳатидан диверсификация қилиш бўйича муайян натижаларга эришилган.

**Биринчидан,** маҳаллий ресурсларни ички қайта ишлаш (пахта толасининг 80-90 фоизини қайта ишлаш) ҳисобидан хомашё (пахта толаси) экспорти қисқариши ва саноат товарлари (ип-калава, мато, кийим) экспорти ортиши таъминланди.

**Иккинчидан,** хорижга қарийб 500 турдаги тўқимачилик маҳсулоти экспорт қилинди.

**Учинчидан,** Ўзбекистон 60 дан ортиқ мамлакатга маҳаллий тўқимачилик маҳсулотларини етказиб бера бошлади. Россия, Хитой, Туркия, Қирғизистон ва Европа Иттифоқи давлатлари — бизнинг асосий савдо ҳамкорларимиз. Тўқимачилик маҳсулотларининг тахминан 80 фоизи ушбу мамлакатларга экспорт қилинмоқда.



Таҳлилларга кўра, ип-калава ва матоларни қайта ишлашни чуқурлаштириш ҳамда юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобига тўқимачилик саноатининг экспорт имкониятини ошириш мумкин. Бунда соҳага кластер тизими татбиқ этилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўляпти.

Биргина пахтачиликда ушбу тизимдан унумли фойдаланиш натижасида пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан пахтани дастлабки қайта ишлашдан тайёр маҳсулотгача бўлган қўшимча қиймат занжири яратилди. Пировардида ҳозирга келиб, 2017 йилга нисбатан ип-калава ишлаб чиқариш ҳажми икки баробар, тайёр маҳсулот ҳажми уч баробар ортди. Кластерларнинг қуввати ҳисобига тола ишлаб чиқариш 148 фоиз, ип-калава тайёрлаш 83 фоиз, мато тўқиш 19 фоиз, тайёр маҳсулот 66 фоизга етди. Бу қўшимча даромаддан ташқари 239 мингдан ортиқ янги иш ўрни очиш, бюджетга 2,8 триллион сўм (2016 йилга нисбатан 5 баробар кўп) сармоя киритиш имконини беради.

Бу йил етиштирилган пахта ҳосилини тўлиқ қайта ишлаш натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 9,6 миллиард долларга, экспортни эса 4,5 миллиард долларга етказиш режалаштирилган.

## Соҳага БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ тамойиллари олиб кирилди

Пахтачилик қишлоқ хўжалиги, умуман, иқтисодиётимизда қандай ўрин тутмоқда? Бу масалага қисқача тўхталиб ўтсак.

Пахтачилик қишлоқ хўжалигининг энг йирик тармоқларидан бири бўлиб, мамлакат иқтисодиёти, халқнинг моддий фаровонлигини юксалтиришда катта аҳамиятга эга. Пахтачилик тармоғини ривожлантириш, энг аввало, озиқ-овқат стратегияси йўналишлари талабларини бажариш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Юртимизда пахтачилик тармоғини самарали ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири қишлоқ хўжалигида аграр ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосларини ҳаётга тўлалигича татбиқ этишдир.

Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг 32 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган табригида ҳам пахтачиликка алоҳида эътибор қаратганди: **“Бугун пахтачиликда бозор иқтисодиёти тамойиллари жорий этилиб, соҳа ўз эгасини топди. Натижада ўқитувчи мактабга, шифокор шифохонага қайтди, тадбиркорлар пахта “ўлпони”дан озод бўлди, мажбурий ва болалар меҳнатига чек қўйилди. Ўзбекистон халқаро “қора рўйхатлар”дан чиқарилди”.**

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш, бозор механизмларини кенг жорий этиш бўйича изчил ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, Президентимизнинг 2019 йил 14 октябрдаги фармони билан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси тасдиқланди.

Стратегия доирасида пахта хомашёси ва бошоқли дон етиштиришда давлат иштирокидан босқичма-босқич воз кечиш орқали пахта етиштиришнинг янги бозор механизми жорий этилди. 2020 йилга келиб, пахта етиштиришда тўлиқ кластер тизимига ўтилди. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 6 мартдаги “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан пахта хомашёсининг харид нархини давлат томонидан белгилаш амалиётидан воз кечилди.

Президентимизнинг 2023 йил 26 январдаги “Пахта хомашёси етиштирувчилар фаолиятини янада қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари ўртасида ўзаро манфаатли муносабатни йўлга қўйиш ҳамда улар фаолиятининг самарадорлигини янада оширишда муҳим ҳужжат бўлди. Қарорга кўра, пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари томонидан пахта хомашёси харид нархи ўзаро манфаатли келишув асосида шакллантирилиши белгиланди.

Халқаро мутахассислар фикрича, яқин орада Ўзбекистон Марказий Осиё пахтаси учун курашда, асосан, Бангладеш ва Хитой компаниялари билан рақобатлаша оладиган қудратга эга бўлади.





**Мамлакатимизда аграр соҳада илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, модернизация қилиш ва барқарор ривожлантириш учун юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган замонавий кадрлар тайёрлаш асосий вазифалардан.**

Таълим тараққиёти

# АГРАР ТАРМОҚДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

## ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ҚАДАМ



**Нарзулло ОБЛОМУРОДОВ, Тошкент давлат аграр университети проректори, иқтисодиёт фанлари доктори**

Президентимизнинг 2023 йил 7 июлдаги “Аграр соҳада илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграция қилиш орқали сифат ва самарадорликни оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 декабрдаги “Аграр таълим тизимининг 2030 йилгача инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорларида соҳадаги устувор йўналишлар белгилаб берилди.

Экспертлар фикрича, малакали кадрлар тайёрлаш, аввало, таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича тегишли малака талабларини халқаро ўқув дастурлари ҳамда стандартлари асосида такомиллаштиришни тақозо этади. Шундан келиб чиқиб, Тошкент давлат аграр университети, Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ҳамкорлигида жорий йил 7-9 июнь кунлари “Қишлоқ хўжалиги, ўрмон, балиқ ва ветеринария билим соҳаларида ўқув дастурларини такомиллаштириш ва таълим сифатини ошириш омиллари” мавзусидаги республика ўқув-услубий семинари ташкил этилди. Унда 40 дан зиёд иш берувчи корхона ва ташкилот таклифлари асосида тегишли бакалавриат ва магистратура дастурлари бўйича малака талаблари ҳамда ўқув режаларини етакчи хорижий олий таълим муассасалари ўқув дастурлари ҳамда стандартлари асосида такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.

Тадбирда дунёнинг етакчи 300 талик рейтингидан ўрин олган Токио университети (Япония), Мичиган давлат университети (АҚШ), Вагенинген университети (Нидерландия) каби етакчи олий таълим муассасалари ўқув дастурлари таҳлил қилиниб, Тошкент давлат аграр университетининг 32 та бакалавриат таълим йўналиши ҳамда 48 та магистратура мутахассислиги малака талаблари ва ўқув дастурлари илғор халқаро стандартларга мос равишда қайта ишланди.

Таҳлилларга кўра, аграр соҳада олий таълим тизимини модернизациялаш ва таълим сифатини оширишда етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, педагог ходимлар малакасини ошириш, академик мобиллик ҳамда талабалар алмашинув дастурларини жорий қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимизнинг мазкур қарорида университет талабаларининг ривожланган давлатларда замонавий таълим олиши, илғор ресурстежамкор технологияларни ўрганиши ва амалиётда қўллаши бўйича вазифалар белгиланган. Бугун Хитой, Россия, Туркия, Польша ва Латвия каби давлатларнинг етакчи университетлари билан ҳамкорликда 7 та қўшма таълим дастури ташкил этилиб, улар доирасида 122 талаба таҳсил олмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил аввалида Хитойга ташрифи давомида эришилган келишувларга мувофиқ, шу йил 6 июлда ХХР таълим вазири ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазири иштирокида Тошкент давлат аграр университетида Шимоли-ғарбий қишлоқ ва ўрмон хўжалиги университети (Хитой) билан ҳамкорликда чорвачилик, мевачилик ва бизнесни бошқариш мутахассисликлари бўйича магистратура, яъни 1+1 қўшма таълим дастури (филиали)нинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу дастур доирасида юртимиз ёшлари учун меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича биринчи йили Тошкент давлат аграр университетида таҳсил олиш, иккинчи йили ўқишни Хитойнинг нуфузли университетида давом эттириш имконияти яратилмоқда.

Илм-фан натижаларини амалиётга жорий қилиш, кадрлар тайёрлашда агрокластерлар, кооперациялар ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг реал эҳтиёжларини инобатга олишнинг янги механизми жорий этилиши муносабати билан университетнинг 200 га яқин профессор-ўқитувчиси академик мобиллик дастурлари, халқаро стажировка ва малака ошириш курсларида қатнашди.

Бугун университет томонидан АҚШ, Германия, Хитой, Жанубий Корея, Вьетнам, Нидерландия, Польша, Россия ва Қозоғистон каби давлатларнинг 30 дан ортиқ олий таълим муассасаси билан қишлоқ хўжалиги олий таълимини модернизациялаш, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашнинг устувор йўналишлари бўйича халқаро ҳамкорлик дастур ва лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Жанубий Кореянинг Андонг миллий университети билан ҳамкорликда асаларичиликни ривожлантириш бўйича умумий қиймати 1,2 миллион долларга тенг бўлган лаборатория ташкил этилди. Шунингдек, Жанубий Кореянинг Чунгнам миллий университети билан ҳамкорликда боғдорчилик ва тупроқшунослик йўналишлари бўйича 2 та замонавий ўқув-илмий лаборатория очилди.

Қишлоқ хўжалигининг долзарб йўналишлари бўйича “Ўзбекистон — Хитой” халқаро қўшма илмий лойиҳалар танловида иштирок этиш учун 6 та илмий лойиҳа тайёрланди. Шинжон қишлоқ хўжалиги академияси билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги экинларидан картошканинг 6, помидорнинг 4, бодрингнинг 2, булғорининг 1 ва кўкатнинг 5 хил навини етиштириш бўйича кўргазмали дала майдонлари ташкил этилиб, ҳамкорликда янги экин навлари ва дурагайларни яратиш бўйича илмий тадқиқотлар бажарилмоқда.

Жорий йилдан бошлаб Шимоли-ғарбий қишлоқ ва ўрмон хўжалиги университети билан ҳамкорликда “Хитой тили маркази” фаолияти йўлга қўйилиб, талабаларимизга ўқув курслари, адабиётлар ва малакали педагоглар ёрдамида хитой тилини пухта ўрганиш учун зарур шарт-шароит яратилди.

Бундан ташқари, Германиянинг IAMO институти билан ҳамкорликда Халқаро қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти кафедраси филиали очилиб, бугунгача 2 тадқиқотчимиз докторантура дастурини муваффақиятли якунлаб, фалсафа доктори илмий даражасига эга бўлди. Ушбу йўналишда илмий ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан ишлар давом этмоқда.

Аграр соҳада олий таълим сифатини таъминлаш, талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётини соҳанинг етакчи корхона ва ташкилотларида ташкил этиш, меҳнат ярмаркалари ҳамда ишга жойлашишга кўмаклашиш бўйича маслаҳат хизматлари жорий қилиниши университет битирувчиларини замонавий меҳнат бозори талаблари асосида тайёрлашда муҳим ўрин тутмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва тизим ташкилотлари, аграр соҳада фаолият юритувчи корхона ва ташкилотлар — кадрлар буюртмачилари билан малакали мутахассислар тайёрлаш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган 150 дан ортиқ ҳамкорлик шартномаси имзоланган.

Ўз навбатида, мунтазам равишда иш берувчи ташкилот ва корхоналар иштирокида университет битирувчилари учун “Карьера куни” меҳнат ярмаркалари ташкил этиляпти. Жорий ўқув йилида кундузги таълим шаклида таҳсил олган мингдан ортиқ бакалавр ва магистрлар иштирокида иш берувчилар билан меҳнат ярмаркалари, суҳбат ва интервьюлар уюштирилиб, 584 талабани ишга жойлаштириш юзасидан уч томонлама шартномалар тузилди.

Жорий йил 18 июлда университетимизда “Битирувчи — 2024” тадбири ўтказилиб, ёшларга бакалавр ва магистр дипломлари тантанали тақдим этилди. Олийгоҳни 2023/2024 ўқув йилида 2310 йигит-қиз муваффақиятли якунлади. Битирувчиларга дипломларни топшириш маросимида қатнашган профессор-ўқитувчилар, иш берувчи корхона ва ташкилотлар вакиллари ҳамда ота-оналар катта ҳаётга қадам қўяётган ёшларга қишлоқ хўжалиги соҳасини модернизация қилиш ва барқарор ривожлантириш, ҳудудларда аграр тармоқ билан боғлиқ истиқболли лойиҳалар ва янги имкониятларни ишга солишда эгаллаган замонавий билим ва кўникмалари билан фаол иштирок этишларига ишонч билдирди.

Ибрат

# ҲОЗИР ДАНГАСАЛИКНИНГ ВАҚТИ ЭМАС

**Эндигина ўн бир ёшга қадам ташлаган қизалоқ ҳаётнинг кутилмаган зарбасидан анча вақтга қадар ўзига келолмай юрди. Бу ҳолатни тушуниб олишга, таҳлил қилишга қанчалик интилса-да, болаларча ақли билан бунинг чигилини ечишга қурби етмади. Ҳаммаси шундан сўнг бошланди.**



“Наргиза опа ҳозирга қадар ўқув марказида 35 мингдан зиёд хотин-қизни касб-ҳунарга ўқитибди. Йилига 1200 дан ортиқ битирувчи бугун турли жойларда, кўпчилиги ишлаб чиқариш цехлари очиб меҳнат қилмоқда. Сирасини айтганда, бугун айнан Наргиза Саломованинг ташаббуси билан касбли бўлиб, даромад топаётган кўплаб оилалар турмуши фаровон, хонадонларига файз кириб бормоқда.”

Аслида, ота оиланинг қўрғони экан. Бемор бўлса-да, суянган тоғ, ишонган боғ эди. Кам эмас, саккиз йил уйда касал ётиб қолганига қарамай, бирор кун боши эгилмаган болаларга ота вафотидан кейин қаттиқ билинди. Юлдузни ердан туриб бенарвон уриб туширгудек шашти бор фарзандларнинг қадди букилиб, жажжи қалблар армондан ясалган асога суянишга мажбур бўлди. Ҳали болалик саволларига жавоб ололмаган гўдакларини бағрига босганча қолган она пешанага битганига чидамасдан ўзга чораси йўқ эди. Юзида кулса-да, пана-пастқамда, болалари кўзидан нарида йиғлаб-йиғлаб дардини тўкар, бунга гувоҳ бўлган тош деворлар ҳам титраб кетарди. На илож, ҳаёт давом этади. Кетганлар қайтмади. Энди болаларни вояга етказиш керак. Сабрдан белбоғ ясаб, фақат ҳаракат қилмоқ истагида олдинга интила бошлайди.

Бева аёлга бу бешафқат очуннинг атаган аччиқ қисмати ҳали тугаб улгурмаганди. Эридан қолган ёдгор ўғли, ёлғиз суянчиғи ҳам орадан кўп ўтмай вафот этди. Ҳали эгик қадди янада букилди. Падаридан сўнг рўзғорга кўмакчи бўлиб турганди. Бу не қисмат бўлди? Чора йўқ.

Турмуши оғирлашса оғирлашдики, енгиллашмади. Уч қиз билан қолган она тош чайнаб бўлса-да, болаларини вояга етказишга аҳд қилди. Қаро кунлар бир кун келиб, ёруғ бўлишига умид билан интилди. Бу орада онасининг дардига шерик бўлиб улғаяётган тўнғич қизи Наргиза ҳам қараб турмади. Ёш боши билан уйига нафи тегиши учун интиладиган бўлди. Ҳар тонг онаси гоҳида нон, гоҳида бўғирсоқ пиширарди. Тенгдошлари мириқиб ухлаётган паллада у пишириқларни сотишга кетаётган бўларди. Баъзида дугоналарини кўриб қолса, ҳеч ҳам тортинмасди. У доим онасининг ҳалол меҳнатнинг нони ширин экани, бундан ҳеч қачон уялмаслиги кераклиги борасида айтган гапларини ёдида сақлаб, оз бўлса-да, пул топиш, бошқалар қатори рўзғорда кам-кўстсиз ҳаёт кечиришларини истарди. Аммо бунга эришиш осон эмасди. Усти юпун, елкасига турмуш ташвиши эрта тушган қизалоқ тунга қадар бўғирсоқ сотса-да, топган фойдаси атиги тўртта нонга етарди, холос. У шундай пайтларда пуллари кўп, уйида барча нарса етарли даражада бўлишини жуда-жуда истарди. Аммо шунчаки ўйлаган билан бирор нарсага эришиш имконсиз. Шу пайтларда у келажакда, албатта, тадбиркор бўламан, одамларга фойдам тегадиган сахий инсон бўламан, дея аҳд қилиб қўярди.

Яккабоғ тумани марказидаги маҳаллалардан бирида вояга етган Наргиза мактабнинг тўққизинчи синфини битирганида онаси уни ўша вақтдаги Шаҳрисабз туманидаги тиббиёт билим юртига ўқишга юборди. У ҳамширалик касбини мукаммал ўрганаркан, иложи борича уйидагиларга оғирини туширмасликка ҳаракат қиларди. Билим юртини тамомлаб Яккабоғ туманидаги шифохоналардан бирига ҳамшира бўлиб ишга кирди. Лекин бу ерда олаётган маоши жуда кам, бир ой ишлаб топган пули ўзидан ортмас, бу ёқда онаси ва сингилларига қарашмаса бўлмасди. Икки йил ҳамшира сифатида ишлагач, охири бошқа ишнинг бошини тутишни мақсад қилиб шифохонадан бўшади.

Анча йиллар орзу қилган ишини хаёлан режалаштириб юрарди. Буни амалга ошириш вақти келганини англади. Аввало, ишни нимадан бошлаш керак? Шу савол билан туман марказидаги гавжум жойлар, бозор атрофларини ўрганди. Савдо ходимлари билан суҳбатлашди.



Охири бир тўхтамга келди. Қўлида ортиқча бир сўми бўлмаса-да, тадбиркорлик қилишга бел боғлади. Ўрганишларига кўра, ўша пайтда бу атрофда ўқув маркази йўқ эди. Туманнинг марказий бозори яқинидан бўш турган хонани ижарага олиб, илк бор компьютер хизматларини ўргатиш курсини очди. Атрофдаги шу соҳага қизиқувчиларга эълон берди.

Касб-ҳунар ўрганиш истагида юрганлар анчагина экан. Тезда ўрганувчилар сафи кўпайди. Ўзи ҳали компьютерни яхши билмагани боис, информатика ўқитувчисини ишга олди. Қисқа фурсатда иш бошланиб кетди. Уйидан, танишлариникидан эски стол ва стулларни йиғди. Тингловчилар учун шароит қилди. Қайдандир эски доска топиб келди. Қарабсизки, бинойидек, мўъжазгина ўқув хонаси ташкил этилди. Бошида иши яхши кетаётганди. Аммо бу кўпга бормади. Ҳали иш бошлаганига икки ой ўтмай, солиқ ходимлари эшик қоқиб келди. Расмиятчилик бошланди. Бундай бўлишини кутмаган Наргиза шошиб қолди. Текширувчилар ўқув марказининг лицензиясини сўраганида бунинг учун махсус рухсатнома кераклигини энди билиб турарди. Улар кетгач, яширинча иш олиб боришди. Барибир бўлмади. Тегишли лицензия олиш учун ариза берди. Аммо у пайтда, яъни 2013 йили ўқув марказига рухсатнома олиш анча мушкул эди. Аввал туман ҳокимлигига борди. Вилоятга боринг, дейишди. Вилоятга борди, тегишли вазирликка жўнатишди. Вазирликка борди. У ерда эса бу осон эмаслигини, фақатгина Самарқанд ва Тошкент шаҳри тадбиркорларига рухсат берилганини айтишди. Бошлаган ишини охирига етказишга одатланган Наргиза Саломова елди-югурди. Бир оёғи Тошкентда, бир оёғи Яккабоғда бўлди. Баъзида барчасига қўл силтаб, бизнесини йиғиштирмоқчи бўлар, лекин онасининг далдаси яна бу йўлдан қайтарарди. Хуллас, бир йилдан кўп вақт давомида югуриб, бир амаллаб, ўқув марказини ишга тушириш учун лицензияни қўлга киритди.

Энди муаммолар ортда қолди, дея ҳаракатни бошлаганди. Афсуски, хато ўйлаган экан. Кўп ўтмай, яна турли идоралардан текширувчилар пайдо бўла бошлади. Бирини кузатиб қўйса, эртасига иккинчиси келарди. Бир кун бўлса-да, эркин ишлашга қўйишмасди. Айниқса, куз фасли келиб, пахта терими бошлангач, умуман ишлашга йўл бермай, эшикларни ёпиб қўйишди. Теримчилар сўраб, ҳоли-жонига қўйишмади. Теримчилар ажратилса-да, камида уч ой эшиклар очилмасдан қолди. Бу ҳолат биргина Наргизанинг ишида эмас, деярли барча тадбиркорлар учун бирдек такрорланарди.

— Ўша вақтларда тадбиркорлар шунчалик кўп муаммоларга дуч келардики, кўпчилик шу сабаб ҳам бошлаган ишини ярим йўлда ташлаб кетишга мажбур бўларди, — дейди “Ситора имкон плюс” нодавлат таълим муассасаси раҳбари Наргиза Саломова. — Доим бир муаммога дуч келиб турардингиз. Гоҳида мен ҳам бу ишни йиғиштириб, бошқасини қилишни режалаштирардим. Аммо ҳамма тизимда ҳам ўзига яраша муаммолар бор эди. Текширувчи келяпти дейишса, қон босимимиз ошиб кетадиган ҳолатга тушиб қолгандик. Айниқса, солиқ идораларининг ходимлари турли йиғимлар билан бошни қотириб юборарди. Ҳеч ёдимдан чиқмайди. Адашмасам, 2013-2014 йиллар эди. Ёнимизда савдо билан шуғулланувчи бир киши ўғлининг ёрдами билан енгил машина харид қилди. Янги машина эди. Ҳали икки кун ўтмасдан солиқчилар эшигини тақиллатиб келди. Машинага солиқ тўлатиш истагида турли важларни кўрсатишди. Охири бўлмади, қанчадир йиғим ундириб, тинч қўйишганди. Автомобиль харид қилишнинг ҳам ўзига яраша ташвишлари бор эди.

Ёш тадбиркор аёл эртага яхши кунлар келишидан умид қилиб, турли тўсиқларни сабот билан енгиб ўта олди. 2017-2018 йилларда унинг ишларида ижобий ўзгаришлар даври бошланди. У ислоҳотлардан мамнун ҳолда ўз ишини янада кенгайтиришга бел боғлади. Аввало, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган ва “Аёллар дафтари”да рўйхатда турувчи хотин-қизлар касб-ҳунарли бўлиши учун шарт-шароитлар яратди. Ўқув маркази ҳудудини кенгайтириб, касб йўналишларини ҳам кўпайтириб борди. Янгидан янги иш ўринлари яратиш билан бирга шу ерда ўқиган хотин-қизларнинг ўзини ўзи банд қилишига замин яратди. Кўпчилиги ишлаб чиқариш йўналишларида хизмат кўрсата бошлади. Тадбиркорликка қизиқувчиларга маслаҳатларини бериб борди. Оқибатда 18 турдаги касб-ҳунарга ўқитишни йўлга қўйишга эришди. Тиришқоқлиги, янгиликка интилувчанлиги уни доим фаол бўлишга ундади.

2019 йилда Президент соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар ўртасида ўтказилган “Ташаббус — 2019” кўрик-танловининг республика босқичида Наргиза опанинг меҳнатлари ҳам муносиб эътироф этилди. У мазкур танловда “Хизмат кўрсатиш соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори” сифатида тан олинди. Шунингдек, Президент совринни — “Спарк” автомобили билан тақдирланди.

2021 йили Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ташкил қилинган танловда иштирок этиб, “Энг намунали иш берувчи аёл” эътирофига сазовор бўлди. 2022 йилда эса яна бир қувончли воқеа юз берди. “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Наргиза опа имкон топилди дегунча хотин-қизлар бандлигини таъминлашга ҳаракат қилади. Хусусан, ўтган йили яна бир хайрли ишга қўл урди. Келинлар либоси салони очиб, хорижда меҳнат қилиб юрган хотин-қизларнинг айримларини туманга қайтариб, шу ердан иш берди. Ҳозир миграциядан қайтарилган, кам таъминланган 12 аёл меҳнат қилмоқда. Уларга керакли шароитлар яратиб бериб, оилавий аҳволидан доимо хабардор бўлиб келмоқда. Унинг айтишича, ҳозир ҳам хориждан қайтган аёлларни ишга олиш жараёнлари давом этмоқда.

Яна бир гап. Наргиза опа ҳозирга қадар ўқув марказида 35 мингдан зиёд хотин-қизни касб-ҳунарга ўқитибди. Йилига 1200 дан ортиқ битирувчи бугун турли жойларда, кўпчилиги ишлаб чиқариш цехлари очиб меҳнат қилмоқда. Сирасини айтганда, бугун айнан Наргиза Саломованинг ташаббуси билан касбли бўлиб, даромад топаётган кўплаб оилалар турмуши фаровон, хонадонларига файз кириб бормоқда.

Наргиза опа ўз вақтида тизимда меҳнат қилиш машаққати қанчалик қийин эканини бошидан кечиргани боис, ҳозир дангасалик қилиб, турли баҳона топиб, нолиётган баъзи ёш ишбилармонларга танбеҳ беради. Айни замонда тадбиркор учун энг яхши вақт келганини таъкидлашдан чарчамайди. Бундай кунларнинг ҳар дақиқасига шукрона айтиш лозимлигини уқтиради.

**Акбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Глобаллашув жараёнида умуминсоний ва миллий қадриятларга садоқатли авлодни тарбиялаш, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни тарғиб этишда “Маънавият сектори”га жуда катта масъулият тушишини таъкидламоқ лозим.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2024 йил 24 июль, 147-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Бугуннинг ҳақиқати



# ВАТАНИЙ ВАЗИФА

## “Маънавият сектори” шиддаткор даврга ҳамқадам бўла оладими?

**Олимжон ДАВЛАТОВ,**
**Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти директори**



**Журналистикада “Янгилик, ахборот — тез эскирадиган товар” деган мажозий таъриф бор. Тараққиёт аравасининг ҳаракати мисли кўрилмаган даражада тезлашган, дунё “глобал қишлоқ”қа айланган давримизда ахборот кўз очиб юмгунча қимматини йўқотиши ҳақ-рост. Гапнинг даромадини кўп чўзмай, буромадига кўчсак. Маънавият, маърифат каби инсон онги, қалби ва руҳияти билан боғлиқ соҳага мамлакатимизда давлат аҳамиятига молик йўналиш сифатида эътибор қаратиб келингани сир эмас. Аммо тезқадам давр бу жабҳада ҳам янгича ёндашув, замонавий усулларни талаб этаётир. Ахборот тез эскираётгани каби маънавий-маърифий соҳада ҳам даққи қараш ва услублар билан олдинга силжиш имконсиз бўлиб қолди. Сурхондарё вилоятида илк бор “Маънавият сектори” ташкил этилганини замон билан ҳамнафас бўлиш йўлидаги дадил уриниш деб баҳолаш мумкин.**

### Уйғунлик истаги

Президентимиз 2023 йил 16-17 ноябрь кунлари Сурхондарёга ташрифи чоғида тажриба сифатида вилоятда “Маънавият сектори”ни ташкил этиш бўйича вазифаларни белгилаб берди. Назаримизда, бу ташаббус замирида шунчаки сиёсий ният эмас, балки жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этган соҳани буткул янгилаш ва ислоҳ қилишдек улкан мақсад мужассамдир.

Хизмат тақозосига кўра, вилоятларда кўп сафарда бўламиз, ижтимоий кайфият, маънавий муҳитни ўрганиш, юртдошларимизнинг юрак уришига қулоқ тутишга уринамиз. Афсуски, ўрганишлар асносида аксар ҳудудларимизда маънавият соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш тизими тўлақонли шаклланмагани, хусусан, таълим тизимида маънавият ва тарбия ишлари уйғунлиги, узлуксизлигига эришилмаганига гувоҳ бўлганмиз. Бинобарин, “Маънавият сектори”, биринчи навбатда, таълим, тарбия ва маънавият-маърифат йўналишларида ўзаро уйғунликни таъминлашга хизмат қилади.

Албатта, бунга қадар ҳам таълим масканлари, жумладан, мактаб ва олий таълим муассасаларида маънавият-маърифат тизими мавжуд эди. “Иш ўз эгасининг қўлидан бошқасига ўтса, қиёматни кутаверинг”, дейилади ҳадиси шарифда. Ҳудудларда маънавият-маърифат тизимида ҳам шунга ўхшаш манзарани кўриш мумкин эди. Муҳим юмушлар соҳага алоқаси бўлмаган тасодифий кадрларга юкланган, кўп ҳолларда вазифаю ваколатлар аниқ белгиланмагани важидан дастур ва лойиҳалар ижроси ўлда-жўлда қолиб кетганди. Масалан, мактабларда таълим жараёнига бевосита ўқитувчилар жавоб берган бўлса, тарбиявий ишларга синф раҳбари, кутубхоначи, психолог, ёшлар етакчиси, директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари ҳамда мактаб директори масъул саналган. Муаммо шундаки, таълим соҳаси масъулларининг маънавият ва маърифатга доир ваколати, мажбурияти қаердан бошланиб, қаерда тугаши мавҳум эди.

Олий таълим тизимида ҳам шу манзара: ёшлар етакчиси, маънавият бўлими вакиллари, тьюторлар, маънавият масалалари бўйича проректорлар баҳоли қудрат фаолият юритиб келди, аммо ким қайси юмуш билан машғул бўлиши аниқ эмаслиги сабаб оққуш, чўртанбалиқ ва қисқичбақа ҳақидаги машҳур масалдаги каби ҳолатлар рўй берди. Айрим меҳнат жамоалари, корхона ва ташкилотларда эса маънавиятга шунчаки ҳисобот учун қилинадиган иш деб қаралди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти аҳоли ўртасида доимий равишда социологик сўровнома ва тадқиқотлар ўтказишни йўлга қўйган. Сўров натижаларига кўра, “Маънавият соҳасини ислоҳ қилиш учун, энг аввало, ишни нимадан бошлаш керак?” саволига респондентларнинг қарийб ярми (48,7 фоиз) “Маънавиятчилар вазифасини аниқ белгилаш керак” жавобини танлагани ҳам ушбу йўналишда қилишимиз керак бўлган бирламчи вазифани кўрсатиб турибди.

“Маънавият сектори” ташкил этилиши билан эндиликда маънавий, тарбиявий, ахлоқий ишлар мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилади, тизимлилик таъминланади, соҳа вакиллари бир ёқа, бир енг, якдилу яктан бўлиб ҳаракат қилади. Бешинчи сектор ҳудуддаги таълим идоралари, жамоат ва ижодий ташкилотлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, зиёлилар, ижодкорлар, спортчилар, санъаткорлар, диний соҳа вакиллари — жамиятнинг турли қатламлари бошини эзгу мақсад йўлида қовуштиради. Секторга ташкилот ва корхоналарнинг масъул раҳбарлари, зиёлилар бириктирилиб, ҳудудларнинг ижтимоий-маънавий харитаси яратилади. Сирасини айтганда, тузилма ҳудуддаги соҳавий вазифаларга бевосита жавобгар ҳисобланади.

### Нима қилмоқ керак?

Кишилик жамиятини дунёқарашига қараб эргашувчи ва эргаштирувчи тоифаларга бўлишади. Эргашувчиларнинг орзуси — тўқ яшаш, данғиллама ҳовли ва дабдабали тўйлар,



чиройли машиналар, бола-чақани уйли-жойли қилиш... Оломон миллат, ватан, истиқлол, тил, маданият, инсониятнинг келажаги билан боғлиқ муаммолар ҳақида бош қотирмайди. “Катталар нима деса, шу” — уларнинг шиори. Қадр-қиммат, обрў-эътибор, иззат ва ҳурмат, вафо ва садоқат — барчаси қорин мезонларида ўлчанади. Қисқача айтганда, Ўзбекистондаги оломон билан Европа ё Хитойдаги оломон дунёқараши ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ.

Кратология (ҳокимиятшунослик) фанига кўра, аҳолининг уч фоизигача бўлган қатлами қолган тўқсон етти фоизини эргаштиради. Давлат ва жамоат арбоблари, диний уламолар, зиёлилар, машҳур спортчилардан таркиб топган ушбу қатлам, ўз навбатида, ворисийлик вазифасини ҳам бажаради. Яъни улар миллат ва давлат қўлга киритган ютуқларни катта авлоддан қабул қилиб, келажак авлодга бойитилган ҳолда етказишга масъулдир. Эргаштирувчилар туфайли Наврўз байрами, диний маросимлар, урф-одат ва анъаналар, моддий ва маданий меросимизнинг асосий қисми бугунгача яшаб келмоқда.

Миллатлар, давлатлар тараққиётида эргаштирувчиларнинг дунёқараши, эътиқоди, маслаги, билими ва шижоати муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистондаги эргаштирувчи кучлар ҳам замон талабларига жавоб бера олиши шарт. Олимларимиз, раҳбарларимиз, спортчиларимиз, зиёлиларимиз, актёр ва режиссёрларимиз... бир жойда депсиниб турмаслиги, ўртамиёналик даражасидан кўтарилиши керак.

Қуллик, қарамликнинг турлари кўп. Энг ёмони — фикр қарамлиги. Афсуски, “жаҳон тажрибалари асосида” ҳаётимизга янгилик киритамиз деб тақлидчилик, кўчирмакашликка йўл қўймоқдамиз. Масжид қурганда Туркия ё Арабистондаги масжидларга тақлид қилиб, тўрт томонига тўртта минора қурамиз. Бухоро ё Хивадаги неча асрлик масжидларимизнинг барчасида нега биттагина минора қурилгани ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Таом, шароб, либосимиздан бошлаб, улову ҳовлимизгача ажнабий йўсинда бўлса, ўзимизни оқсуяк аслзода ҳис қила бошлаймиз. Аслзодалик ўз аслидан ҳеч қачон воз кечмаслик эканини эсдан чиқардик...

Совет мафкураси инсоният тараққиётида шахснинг ролини инкор этарди. Ҳолбуки, айнан муайян шахсларнинг азму шижоати, матонат ва иродаси туфайли инсоният ҳаётида ўзгариш бўлади. Афсуски, бугун ҳам асосий эътибор оммага, яъни эргашувчи қатламнинг онгини ўзгартиришга қаратилган. Оммавий тадбирлар, сайиллар, фестиваллар, конференциялар, концертлар... ишонинг, бу дилхушликларнинг таъсир кучи бир неча кунгина давом этиши мумкин. Тадбирда қанча одам кўп бўлса, қамров шунча кенг бўлди деб ҳисоблаймиз. Аслида, маҳалланинг виждони, жамоанинг юраги бўлган шахсларнинг онгини юксалтирсак, уларга эътибор берсак, тингласак, кўзлаган мақсадларимизга тезроқ эришамиз.

Биз ҳозир катта ўзгаришлар, янгиланиш жараёнини бошдан кечирмоқдамиз. Бу жараёнда эски хатоларни такрор қилишдан тийилсак, янгиланиш ҳаётимизнинг яхшиланишига олиб келади. “Маънавият сектори” ўз фаолиятини жамиятдаги эргаштирувчи шахсларни аниқлаш ҳамда уларнинг ёрдамида соғлом маънавий муҳитни яратишга қаратса, тараққиёт ўзининг асл ўзанига тушади деб ўйлайман.

### Қанот жуфт бўлади

Юнон олими Архимеднинг “Менга Ернинг таянч нуқтасини топиб беринг, уни жойидан силжитаман” деган хитоби ёдингиздадир. Қадимги даврдан мерос бу пурмаъно ҳикматнинг аҳамияти бугунги кунда янада



ортган. Хўш, тараққиётнинг таянч нуқтаси нима: фикрми, ғоями, ахлоқми ёки шунчаки сарват-сармоями? Бизнингча, жамият равнақи, ҳаёт фаровонлиги, чин инсоний саодатнинг сири иқтисодий ўсиш ва ахлоқий қадриятларни вобаста эта билишда, маънавият



ва иқтисодиёт ўртасидаги нозик ришталарни сақлаб қола олишда!

Бир туман ҳокимининг фаолиятини зимдан кузатиб бораман. Ҳудуднинг иқтисодий-молиявий кўрсаткичлари дуруст, пайдар-пай янги корхоналар очилиб, ишлаб чиқариш суръати ўсиб бормоқда. Аммо “Ҳар тўкисда бир айб” деганларидек, ҳоким бувамиз негадир маънавият, маърифат ишига эътиборсиз, унинг наздида бу иккинчи, эҳтимол, тўртинчи даражали юмуш. Алҳол, ҳудудда иқтисодий лойиҳалар “тўйига боргудек” бўлгани ҳолда, санъат, адабиёт, илм-урфонга эътибор деярли йўқ...

Жамиятимизда “Аввал иқтисод, кейин маънавият” деб биладиган арбоблар ҳам талайгина. Қуш якка қанот билан учганини ким кўрибди дейсиз! Парвоз учун қўш қанот зарур. Маънавият ва иқтисодиёт ҳам мисоли жуфт қанот. Жамият ҳар томонлама равнақ топиши учун ҳар икки қанот соғ бўлмоғи шарт. Даромад кетидан чопиб, маънавиятни унутиб қўяётган амалдорларимизга Президентимизнинг ушбу даъваткор фикрини ўз хизмат хонасига пешлавҳа каби осиб қўйишини тавсия этган бўлардик: **“Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир”.**

Дарҳақиқат, маҳалладаги бир боланинг таълим-тарбиясига аҳамият қаратиб, уни киройи мутахассис қилиб етиштиришнинг аҳамияти ҳудудда миллионлаб доллар хориж сармоясини жалб этган ҳолда корхона очишдан кам эмас. Аслида, “Маънавият сектори”ни ташкил этишдан кўзланган мақсадлардан бири ҳам шу — раҳбарларнинг бу борадаги масъулияти, жавобгарлигини кучайтириш.

### Жамиятнинг жон томири

Бешинчи сектор сифат ва мазмун жиҳатдан мутлақо янги тузилмадир. У жойларда Маънавият ва маърифат кенгашларининг ишчи бўғини сифатида фаолият кўрсатади. Давлатимиз раҳбарининг таклифи ва далдасидан сўнг Сурхондарё вилоятидаги маҳаллалар, таълим ва тиббиёт масканлари, ташкилот, корхона ҳамда идораларда “Маънавият сектори” ташкил этилди. Вилоятдаги бошқарма бошлиқлари, олий таълим муассасалари ректорлари 15 та туман (шаҳар) “Маънавият сектори”га масъул этиб белгиланди. 454 та мактабгача таълим ташкилоти, 960 та мактаб, 54 та профессионал таълим ва 7 та олий таълим муассасаси, 724 та маҳалла, 360 та бошқарма ва ташкилотда секторнинг бошланғич таянч тузилмаларига асос солинди.

“Маънавият сектори” куч ва салоҳиятини жамиятнинг жон томири бўлмиш маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, боқимандалик кайфиятини йўқотишга сафарбар этиш кўзда тутилган. “Ўқариқ қийшиқ бўлса, эгатларни сув босади”, дейди доно халқимиз. Шунга кўра, аввал-бошданоқ мақсад-мўлжаллар аниқ белгиланмоқда.

Бугун жамиятимизнинг турли бўғинларида китобхонликни тарғиб этиш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш йўлида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аммо маҳаллаларда китобхонлик тарғиботини йўлга қўйишнинг механизми мавжуд эмас эди. “Маънавият сектори” доирасида бу бўшлиқни тўлдириш имкони туғилди. Хусусан, “Маҳалламга 10 китоб” лойиҳаси орқали маҳалла кутубхоналари шакллантирилмоқда, “Менинг севимли китобим” лойиҳаси, челленж ва адабий баҳс-мунозара тадбирлари ўтказилмоқда, ҳудудлардаги китобхон оилаларни рағбатлантириш чоралари кўрилмоқда.

Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, ҳаж ва умра зиёратидан кейинги ортиқча сарф-харажатларни чеклаш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш, жиноятчиликни кескин камайтириш каби вазифалар ҳам миллатимизнинг дардларига дармон бўлишга қаратилган.

Айниқса, жорий йилда ҳожиларимиз ташаббус кўрсатиб, маънавият тарғиботчилари сифатида камарбаста бўлаётгани бу йўналишдаги ишларимизни анча яхшилайди деб ўйлайман. Ҳаж амалларини мукаммал бажариб қайтган отахону онахонларимизнинг сўзлари ва насиҳатларининг таъсир кучи бошқача бўлади. Исрофгарчилик, риёкорлик ва манманлик каби хунук кўринишларнинг олдини олиш учун ҳожиларимиз шахсий намуна кўрсатаётгани ҳам мазкур ташаббус яқин йилларда ижобий натижаларга сабаб бўлишини намоён қилади.

Курраи арзда яшаётган катта этник жамоаларнинг тараққиёт борасида миллий концепциялари мавжуд. “Америкача орзу”, “хитойча орзу”, “оврупоча орзу” каби ғоявий-мафкуравий концепциялар бутун дунёда ҳавас уйғотиши бор гап. Хўш, “ўзбек орзуси” қандай бўлиши керак? Бешинчи секторнинг тузилиши кўп асрлик миллий қадриятлардан озиқланган, замонамизнинг энг илғор ғояларига ҳамоҳанг “ўзбек орзуси” таълимотини шакллантириш йўлида бир одим бўлса, ажаб эмас. Зеро, ушбу тузилмага болаларда орзуга интилиш, ижодий фикрлаш, яратувчанлик каби фазилатларни юзага чиқариш, уларни илм-фан, маданият ва санъатга ошно руҳда камолга етказишга кўмаклашмоқ вазифаси ҳам юкланган.

### Асл ўзанларни излаб

Таълим-тарбия ҳамиша машаққатли юмуш бўлиб келган. Аммо бу иш шундай шарафлики, ширин жонни койитмоқ, ҳузур-ҳаловатдан воз кечмоққа юз карра арзийди. Ҳазрат Алишер Навоий ҳам

*Бордур инсон зотида онча шараф,*
*Ким ямон ахлоқин этса бартараф,*

дея бежиз ёзмаган.

Деҳқон экин экиб, ҳосил кўтариш учун йил-ўн икки ой далада куймаланади, қуёш тиғида меҳнат қилади. Моддий неъмат яратмоқ шунчалар заҳматли экан, инсоннинг қалби ва онгига сайқал бермоқ, уни роҳи ростга бошламоқ осон бўлсинми?! Кўпинча таълим-тарбия ишига панжа орасидан қараймиз, гоҳида арпа экиб буғдой ўришни, гоҳида эса дон сочар-сочмас ҳосил йиғиб олишни кўзлаймиз. Хайриятки, жамият аҳли маънавият иши анча меҳнат талаб этишини англаб етмоқда. Глобаллашув жараёнида умуминсоний ва миллий қадриятларга садоқатли авлодни тарбиялаш, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни тарғиб этишда “Маънавият сектори”га жуда катта масъулият тушишини таъкидламоқ лозим.

Яқинда америкалик сиёсатшунос Патрик Бьюкененнинг “Ғарбнинг ўлими” китобини яна қайта варақладим. Муҳофазакор сиёсатчи, қолаверса, дунёга ҳакамлик даъвосидаги мамлакат вакили бўлган муаллифнинг айрим мулоҳазалари баҳсли, бир ёқлама, ҳатто маҳдуд туюлади. Аммо Патрик Бьюкененнинг хавотирли иқрори эътиборни тортмай қолмайди. У Ғарб ҳамжамияти маърифатни маишатга алишгани, ахлоқий қадриятлардан воз кечиб, “оммавий маданият”нинг этагидан тутганини мудҳиш хато деб атайди. Асл ўзанлар — ахлоқий қадриятларга қайтиш кераклигини уқтиради. Маънавиятни тараққиёт йўлида қурбон этган тамаддун вакилининг битиклари ривожланаётган дунё учун гўё огоҳлик қўнғироғи бўлиб янграйди.

Чиндан ҳам маънавий кемтикликни моддий бойлик билан тўлдириб бўлмайди. Айни шу чўнг ҳақиқатга кўра мамлакатимизда маънавият ва маърифат соҳасига катта эътибор қаратилмоқда. “Маънавият сектори”га асос солиниши ҳам замондошларимиз аҳвол-руҳиясини ўзгартириш, таъбир жоиз бўлса, юрт маънавий иқлимини мусаффо этиш йўлидаги чора-тадбирдир.

Зиёли аҳли давлатимиз раҳбари янги маънавий макон барпо этиш ғоясини илгари сурганидан яхши хабардор. Орзудаги маънавий макон, маърифатли жамият аъзолари ҳар жиҳатдан етук, фозил инсон бўлмоғи лозим. Шояд, “Маънавият сектори” ана шу ватаний вазифани амалга ошириш, эзгу орзуларни рўёбга чиқариш йўлида камарбаста бўлса!

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 2523
42368 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойқулов
Мусаҳҳиҳ: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 21:18 Топширилди — 00:40